БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 286 (17.866). • 14 декабрь 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

# КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетида

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ЧОРВАЧИЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ 1980/81 ЙИЛ ҚИШ ФАСЛИДА ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ, ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ АВЖ ОЛДИРИШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР.**

Қарорда таъкидланадики, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, барча қишлоқ хўжалик ходимлари КПСС XXVI съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши йўлида зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг кўплаб коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари 1980/81 йил қиш фаслида сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ мусобақасини авж олдириб ишлаб бердилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети колхозчилар, қишлоқ хўжалиги ишчилари, мутахассислари, коммунистлар, комсомоллар, барча қишлоқ ходимларининг ижодий активлигини оширишга муҳим эътибор бериб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олган ҳамда 1980/81 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, белгиланган план ҳамда социалистик мажбуриятларни тўла ва ортиғи билан адо этиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кенг ривожлантирилсин.

Социалистик мусобақа «Кам сарф-харажат қилиб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот етказиб берайлик» шиори остида ўтказилиши керак.

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказган, гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришган, ана шу маҳсулотлар етиштириш ва харид қилишнинг ўсишини, чорва туёғи кўпайишини ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан чорва маҳсулдорлиги оширилишини таъминлаган республикалар, ўлкалар, областлар, автоном округлар, районлар, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг, шунингдек районлар, округлар, областлар, ўлкалар, автоном ва иттифоқдош республикаларнинг чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, фермалар маҳсулдорлигини янада ошириш учун чорвадорларнинг ижодий ташаббускорлигини кучайтириш, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни янада кўпайтириш, озуқадан самарали фойдаланиш, қорамоллар туёғи ва паррандаларнинг тўла-тўкис сақланишини таъминлаш, давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг тўла ва ошириб бажарилиши учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириб юбориш юзасидан ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришлари лозим.

Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида мусобақанинг таъсирчанлигини ҳамиша ошириш, социалистик мусобақани ташкил қилишда қишлоқ хўжалик мутахассислари, инженер-техник ходимларнинг ролини муттасил ошириш, давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши учун ҳар бир қишлоқ меҳнаткашида юксак масъулият туйғусини тарбиялаш лозим. Оммавий касбдаги кадрлар, айниқса, чорвадорлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари кучайтирилсин, ёшларни тарбиялаш ва профессионал маҳоратини оширишнинг муҳим формаларидан бўлган мураббийлик кенг ривожлантирилсин.

Социалистик мусобақа «Кам сарф-харажат қилиб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот етказиб берайлик» шиори остида ўтказилиши керак.

Чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказган, гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришган, ана шу маҳсулотлар етиштириш ва харид қилишнинг ўсишини, чорва туёғи кўпайишини ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан чорва маҳсулдорлиги оширилишини таъминлаган республикалар, ўлкалар, областлар, автоном округлар, районлар, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг, шунингдек районлар, округлар, областлар, ўлкалар, автоном ва иттифоқдош республикаларнинг чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини шартларини икки ҳафталик муддат ичида ишлаб чиқиб, тасдиқлаш топширилди.

1980/81 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолибларини мукофотлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1300 та Фахрий ёрлиғи таъсис этилди. Шундан:

иттифоқдош республикаларни мукофотлаш учун 6 та Фахрий ёрлиқ ва 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача пул мукофоти;

автоном республикалар, ўлкалар, областлар ва автоном областларни мукофотлаш учун — 34 та Фахрий ёрлиқ ва 25 минг сўмдан 50 минг сўмгача пул мукофоти;

автоном округлар ва районларни мукофотлаш учун — 260 та Фахрий ёрлиқ ва 5 минг сўмдан 15 минг сўмгача пул мукофоти;

колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро ҳамда бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларни мукофотлаш учун — 1000 та Фахрий ёрлиқ ва 3 минг сўмдан 5 минг сўмгача пул мукофоти.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган хўжаликлар тегишли министрликлар ва идоралар белгилайдиган шартларда автобуслар ва енгил машиналар оладилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг энг яхши чорвачилик комсомол-ёшлар коллективларини мукофотлаш учун — 700 та эсдалик Қизил вимпеллар таъсис этиш ҳақидаги;

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги бўлган бошқа министрликларнинг ҳамда тегишли касаба союз Марказий Комитетларининг 1980/81 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва харид қилишни кўпайтиришнинг барча имкониятларидан фойдаланганлиги учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари бўлган чорвачилик илғорларини, колхозлар, совхозлар, ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг фермалари ҳамда чорвачилик бригадалари коллективларини мукофотлаш учун шу министрликлар ва касаба союз Марказий Комитетларининг Фахрий дипломларини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди. Фахрий дипломлар билан мукофотлаш иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар ва областларнинг хўжалик ва касаба союз органлари қарори билан министрликлар ва касаба союз Марказий Комитетлари номидан бўлади.

Чорвачилик ходимлари Бутуниттифоқ мусобақасининг якунларини 1980 йил IV квартали ҳамда 1981 йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда 1981 йил 1 июлда чиқарилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари касаба союз ва комсомол органлари билан биргаликда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларни қўлга киритган ҳамда 1980/81 йил қиш фаслида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтиришнинг ҳамма имкониятларидан фойдаланганлиги учун социалистик мажбуриятни бажаришда шавкатли меҳнат намуналарини кўрсатган чорвачилик ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлашга тақдим этишларига рухсат берилди.

Марказий ва маҳаллий газета ҳамда журналлар, радиоэшиттириш ва телевидение редакцияларига республикалар, ўлкалар, областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар, бригадалар ва фермаларда чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси қандай бораётганлигини кенг ёритиш, ишлаб чиқариш новаторлари — илғорлари тажрибасини ҳар томонлама пропаганда қилиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўра бориб, гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янги муваффақиятларга эришадилар ҳамда ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили тўпшириқларини бажаришга ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Обид Солиев «Андижангидрострой» қурилиш трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси илғор бригада бошлиқларидан. У бошлиқ бригада КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашга аҳд қилиб Андижон сув омбори қурилишида ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Суратда: Обид Солиев.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

• *ШЎРЧИ КОМПЛЕКСИ:*

# ЯНГИ МАРРАЛАР

*Қаршида митинг*

ҚАРШИ, 13 декабрь. (ЎзТАГ). Шўртан газ конида, тоғлар, даштлар, далалар орқали Сирдарё ГРЭСи томон чўзилиб кетган улкан газ қувури трассасида байрам кайфияти ҳукм сурмоқда. Шўртан газ қазиб чиқариш ва ташиш комплекси биринчи навбатининг қуриб ишга туширилиши қатнашчиларининг ҳаммасини Леонид Ильич Брежнев катта меҳнат ғалабаси билан табриклади.

Бугун Қаршида бўлиб ўтган тантанали митинг ана шу воқеага бағишланди.

Митинг қатнашчилари Леонид Ильичнинг мактубини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойипов табрикнома-текстини ўқиб берди.

Қурувчилар ва монтажчиларни партия XXV съездининг мамлакатнинг ёқилғи-энергетика базасини кўпайтириш, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳақидаги қарорларини намунали амалга оширишдан иборат юксак мақсад янги зафарларга илҳомлантирди. Бутуниттифоқ «Ўзбекгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи А. Р. Отажонов, Ҳисор бўйи нефть-газ разведка экспедициясининг бошлиғи Г. А. Гришченко, «Мубарекгазпромстрой» трести қурувчилар бригадири Р. Ғойипов, Ҳисор бўйи нефть-газ разведка экспедициясининг пармалаш мастери, СССР Олий Совети депутати А. Тилавов, «Мубарекгазпромстрой» трести монтажчиларининг бригадири Н. Н. Азарян, Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси бош инженерининг ўринбосари, партия ташкилотининг секретари Ю. М. Файзиҳонов ана шу ҳақда гапирдилар.

Кон очилганига атиги олти йил бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қидириш ва фойдаланиш мақсадида кон-қудуқлар қазилди, кон барпо этилди, газ қувури ётқизилди. Шўртанни ўзлаштирувчилар посёлкаси юксалиб бормоқда.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев номига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Ишчилар, инженерлар ва техниклар, лойиҳачилар КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб нишонлашга интилиб, янги юксак марраларни белгиладилар. Шўртан газ қазиб чиқариш ва ташиш комплексининг иккинчи навбатини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигигача фойдаланишга топшириш юзасидан мажбурият қабул қилиндик.

## ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ЁРДАМЧИЛАРИ

12 декабрь куни Союзлар уйининг колонна залида Россия Федерацияси ёзувчилари V съездининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.

Бу мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин ҳозир бўлдилар.

РСФСР Ёзувчилар союзи раҳбар органларини ва СССР ёзувчиларининг VII съездига делегатлар сайлаш юзасидан берилган овозларнинг натижалари ўқиб эшитирилди. 203 кишидан иборат правление ва 95 кишидан иборат ревизия комиссияси сайланди.

288 киши ёзувчиларнинг VII Бутуниттифоқ съездига делегат қилиб сайланди.

Якунловчи мажлисда раислик қилган С. В. Михалков айтдики, КПСС Марказий Комитетининг, съездимиз ишида муваффақиятларга эришишни самимий тилаган Леонид Ильич Брежневнинг буюк ишончига сазовор бўлайлик. Партия мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг улуғвор программасини белгилаб берди. Бинобарин, биз бутун куч ва талантимизни шу программани амалга оширишга кўмаклашадиган асарлар яратишга бағишлаймиз.

РСФСР ёзувчилари V съездининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан матуб қабул қилдилар.

* * *

Россия Федерацияси ёзувчиларининг V съездида сайланган РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум С. В. Михалковни РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси, Ю. В. Бондаревни раис ўринбосари қилиб сайлади. (ТАСС).

# ТАРАҚҚИЁТ МИҚЁСЛАРИ

**САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ, ПАХТАЧИ РАЙОНИДАГИ «САМАРҚАНД» КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ ХАИРИНИСО ШАРИПОВАГА УЧ САВОЛ**

— Колхозчи деҳқонлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини қандай кутиб олдилар? Шу муносабат билан белгиланган тадбирлар нималардан иборат?

— Лойиҳа тарихий ҳужжат бўлиб, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва социал жиҳатлан тараққий эттиришнинг жанговар программасидир. Унда Коммунистик партиямиз раҳбарлигида ўнинчи беш йиллиқда қилинган ишларга юксак баҳо берилган, айни кезда навбатдаги вазифалар батафсил баён этилган. **Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ўрта ҳисобда 12—14 процент кўпайтирилади. Пахта ҳосили 9,2—9,3 миллион тоннага етказилади.** Демак, коллектив хўжаликларнинг экономикаси янада мустаҳкамланади, халқ турмуши бундан ҳам яхшиланади. Шунинг учун ҳам колхозимиз аъзолари лойиҳани шоду хуррамлик билан кутиб олдилар, партиямиз белгилаган тадбирларни тўла амалга оширамиз демоқдалар.

Лойиҳадан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида ғап борадиган бўлса, қуйидагиларни айтиб ўтишни ҳоҳлардим. Колхозимиз ўнинчи беш йиллиқда давлатга 23 минг тоннадан кўпроқ пахта сотди, план ва социалистик мажбурият ортиғи билан адо этилди. Беш йилда ҳосилдорлик ўртача 39 центнерни ташкил этди. Якунловчи йилдаги муваффақиятимиз айниқса кузовчи бўлди. Ҳар гектар майдондан 52 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтардик.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ютуғимиз катта. Колхозимизнинг умумий, колхозчиларимизнинг шахсий даромадлари йил сайин ошиб бораяпти. Ўз жамғармаси ҳисобига енгил машина, мотоцикл, телевизор, радиоприёмник харид қилмаган хонадон қолмади. Колхозчилар шаҳар типида қурилган янги уйларга кўчиб кирмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, ғаллачилик ва бошқа тармоқлардан олинаётган даромад ҳисобига амалга оширилмоқда. Шундай экан, барча тармоқларни комплекс ривожлантириш, маҳсулотлар миқдорини кўпайтириб, сорти ва сифатини янада яхшилаш муҳим вазифамиздир. Биз ўн биринчи беш йилликнинг лаборатория-дала тажрибалари давраси — **1981 йилда колхозимиз бўйича пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 55 центнерга етказишни режалаб олдик. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни ўртача 300—350 килограмм кўпайтирамиз, қорамолларнинг тирик вазнини 420—430 килограммга етказиб, гўштга топширамиз. Чорва моллар озуқа базасини пахта-беда алмашлаб экишни кенгайтириш, маккажўхори ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига мустаҳкамлаймиз.**

Шу ўринда муҳим бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Барча колхозлар ва совхозларда пахта—беда алмашлаб экиш схемалари тузилган. Лекин айрим ҳоллларда унга амал қилинмайди. Кўпинча пахта майдонини кенгайтириш заруф бўлганда янги белазорлар шудгорланади. Оқибатда чорва моллари учун озуқа тайёрлаш топшириғи бажарилмайди. Кўпинча пахта майдонини кенгайтириб, ҳосилдорликни ошириб боришимиз шарт. Аммо бу иш белалояларни шудгорлаш ҳисобига эмас, балки янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилмоғи лозим. Шу муносабат билан **лойиҳага пахта—беда алмашлаб экиш схемасига қатъий амал қилинсин, кўзда тутилмаган белазорларнинг мўлдатилан илғари шудгорланишига йўл қўйилмасин,** деган сўзлар ёзиб қўйилишини таклиф қиламан.

— Бошқа хўжаликлардаги каби, сиз раҳбарлик қилаётган хўжаликда ҳам бригадалар ўртасида ҳосилдорликда тафовут бор. Уни бартараф этиш, нисбатан кам ҳосилли бригадаларни юқори ҳосилли бригадалар даражасига кўтариш учун нималар қилиш керак?

— Тўғри. Норхол Қурбонова бошчилик қилаётган пахтачилик бригадамиз аъзолари бу йил гектаридан 65 центнердан пахта ҳосили олди, келаси йили 70 центнердан пахта етиштиришга сўз берди. Оллоёр Халилов, Хўжаёр Халилов, Ҳолман Отақулов, Рахмон Омоновлар бошлиқ бригадаларимизда ҳам гектаридан 48—50 центнердан хирмон кўтарилди. Лекин нисбатан паст ҳосилли бригадалар ҳам йўқ эмас. Бунга тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ернинг шўрланиши ва бошқа факторлар сабаб бўляпти. Биз уни бартараф этиш чораларини кўряпмиз.

Лекин ҳосилдорликни оширишда катта роль ўйнайдиган бир муҳим масала борки, уни ижобий ҳал қилиш бизнинг қўлимиздан келмайди. Ғап минерал ўғитлар ҳақида бораяпти. Йил бошида хўжалигимизга қанча азот, фосфор, калий ва бошқа ўғитлар ажратилгани ҳақида расмий ҳужжатлар оламиз. Кейинчалик шу ўғитларнинг бир қисми вақтида етказиб берилмайди. Оқибатда ғўзалар кечикиб озиқлантирилади. Ўғитларнинг самараси кам бўлади. Айрим бригадаларимиз шу сабабдан нисбатан паст ҳосил оляпти. Бизнинг фикримизча, **лойиҳага пахтакор хўжаликлар учун ажратилган ўғитлар белгиланган муддатларда етказиб берилсин** деган ибора киритилса айни муддао бўлар эди. Ўғитлар яхши ва равмаётганлиги фактидан ҳам кўз юма олмаймиз. Шу сабабли **пахтага ажратилган минерал ўғитлар турли йўллар билан попок қишлар кўлига тушиб полиз экиларига солиняпти. Бундай кўринишларга карши амалий чоралар кўрилиши керак.**

— Лойиҳага яна қандай таклифлар киритишни хоҳлайсиз?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, колхозимизда пахта, гўшт, сут, тухум, пилла, дон ва бошқа маҳсулотлар етиштириш йилдан йилга кўпайтирилмоқда. Шу замирда ғоромад ортяпти, қишлоқларимиз посёлка типида қайта қурилаётир. Аммо қурилиш-ободончилик ишлари сўръати талаблар даражасидан орқада қоляпти. Бунга сабаб шуки, қурилиш ташкилотлари хўжаликлар билан тузилган шартномадаги ишларни ўз вақтида бажармаяпти. Айни кезда қурилиш материалларини кўзда тутилганидан кам оляпмиз. Қурувчи кадрлар тайёрлаш борасида ҳам камчиликлар бор. Бу факат менинг фикрим бўлиб қолмасдан, колхозчи-деҳконларимизнинг ҳам фикридир. Шунинг учун **лойиҳага қурилиш ва қурилиш материаллари билан таъминловчи ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширишга чорловчи иборалар киритилишини сўрардим.**

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи босқичи — 1981 йил мўл ҳосилга тараддуд ишларини бутун чоралар билан кучайтирмоқдамиз. Юқори ҳосил усталарининг тажрибасини кенг оммалаштиряпмиз. Устаханаларда техника ремонти кучайтирилаётир. Ерларни ўғитлаб шудгорлаб кўйганимизга анча бўлди. Яхоб бериш ишларини ҳам олдирамиз. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини ҳар қачонгидан улканроқ меҳнат ғалаблари билан кутиб оламиз, келаси йил юқори ҳосилга мустаҳкам замин яратамиз.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

**ГАГАРИН РАЙОНИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ АНЧА КЎПАЙТИРИШ ВА ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИНИ УЧ ЙИЛДА БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Гагарин районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини уч йилда бажариш ҳақида қиймати ташаббус бошладилар. Шу мақсада 1983 йилда пахта етиштиришни 100 минг тоннага, шу жумладан, ингичка толали пахтани 85 минг тоннага етказишга қарор қилинди, пахта етиштириш ҳажми 1980 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтирилади.

Ялпи дон ҳосили 100 минг тоннага етказилади. Шу вақт ичида гўшт етиштириш 3 баравар, сут етиштириш икки баравар ва тухум етиштириш 4,5 баравар кўпайтирилади.

Маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш деҳқончилик ва чорвачиликни янада интенсивлаштириш ҳамда суғориладиган янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш йўли билан таъминланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Гагарин районининг қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни янада кўпайтириш ва ўн биринчи беш йиллик планларини уч йилда бажариш борасидаги тадбирларини маъқуллади.

Сурхондарё область партия комитетига, республика министрликлари ва идораларига белгиланган тадбирларни амалга оширишда Гагарин районига ҳар томонлама ёрдам бериш топширилди, жумладан:

— Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети Амударё одогида 6,5 минг гектар янги ерларни, булардан 1981 йилда 1,5 минг гектар, 1982 йилда 2,5 минг гектар ва 1983 йилда 2,5 минг гектар ерни ўзлаштирсинлар. «Ўзгипроводхоз» институти ўзлаштиришнинг биринчи навбати учун лойиҳа-смета ҳужжатларини 1981 йилнинг февралигача, қолган ерларни ўзлаштириш учун тегишли ҳужжатларни 1981 йилда тайёрлаб берсин;

— Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети 1981—1983 йиллар мобайнида Музработ массивида 8 минг гектар янги ерни, шунингдек, ташкил этилиши лойиҳалаштирилаётган 19-совхозда 3,4 минг гектар ерни ишга туширишни таъминласинлар;

— Ўзбекистон ССР Госплани 1982 йилдан бошлаб Музработ массивидаги ерларни комплекс ўзлаштириш учун зарур капитал маблағларни, 1981 йилдан бошлаб эса лойиҳа-қидирув ишларини ўтказиш учун лимитлар ажратсин. Главредазирсовхозстройнинг «Средазгипроводхлопок» институти бош лойиҳачи қилиб белгилансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Союзгипрорис» институти билан биргаликда 19-совхозда суғориладиган ерларни лойиҳалашга доир барча масалаларни ҳал қилсин;

— Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда республика сув хўжалиги қурилиши давлат комитети 1982 йилда «Искра» насос станциясини қурилишини тугалласинлар. МК-5 А насос станцияси реконструкция қилинсин. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети ана шу станцияни реконструкция қилиш учун СНП-500/10 маркали насосларни зарур миқдорда ажратиб берсин;

— Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги Музработ массивидаги ерларни комплекс ўзлаштириш учун зарур капитал маблағларни, 1981 йилдан бошлаб эса лойиҳа-қидирув ишларини ўтказиш учун лимитлар ажратсин. Главредазирсовхозстройнинг «Средазгипроводхлопок» институти бош лойиҳачи қилиб белгилансин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Союзгипрорис» институти билан биргаликда 19-совхозда суғориладиган ерларни лойиҳалашга доир барча масалаларни ҳал қилсин;

— Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ҳамда республика сув хўжалиги қурилиши давлат комитети 1982 йилда «Искра» насос станциясини қурилишини тугалласинлар. МК-5 А насос станцияси реконструкция қилинсин. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети Гагарин районининг тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва ер қазиш машиналарига бўлган талабини қондириш юзасидан чоралар кўриши, фан-техника тараққиётини ривожлантиришда, ишлаб технологияни жорий этишда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришда ёрдам бериши лозим.

Область ва район партия комитетларига, қишлоқ хўжалик органларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига Гагарин районининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларини муҳокама қилиш тавсия этилди. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ҳар томонлама ошириш ер резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш, ҳар бир гектар ернинг даромадлилигини кўпайтириш, 1981 йилги план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси кенг авж олдирилсин.

**[Гагарин районининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш ва ўн биринчи беш йиллик планларини уч йилда бажариш соҳасидаги тадбирлари газетанинг учинчи саҳифасида берилаётир].**

# НУФУС ПРОБЛЕМАЛАРИГА БАҒИШЛАБ

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлардан БМТ стипендиатлари — демография курси тингловчиларининг ўқув ишлаб чиқариш практикаси Тошкентда тугади. Бу практика В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети нуфус илмий-тадқиқот лабораториясининг базасида ўтказилди.

— Тошкентда тўртинчи марта ўнгиляпмиз, — деди ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда БМТ секретариатининг нуфус ва тараққиёт проблемалари бўйича катта маслаҳатчиси Ха Ван Лау, — бу эса яхши анъанага айланиб бормоқда. Бу йил БМТ стипендиатлари бу ерда республика олимларининг нуфус, айрим регионларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожи соҳасида қилган илмий-тадқиқот ишлари тажрибалари билан танишдилар, социалистик планлаштириш методлари ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш системаси тўғрисида яққол тасаввур ҳосил қилдилар. Таниқли олимлар, экономистлар, педагоглар курс тингловчилари ҳузурида лекциялар ўқидилар.

Назарий тайёргарлик Совет Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистоннинг яққол намунасида мустаҳкамланди. Бу ерда меҳнат ресурсларини рационал жойлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш борасида кўп тажрибалар орттирилган.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

# ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

## ЮКСАЛИШ ПРОГРАММАСИ

«СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Республикамизнинг барча меҳнаткашлари сингари районимиз пахтакорлари ҳам партия анжуманини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар. Район саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, аҳолига савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида ҳам съезд шарафига мусобақа тобора авж олдирилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш мароқлидир.

Съездга тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги кунларда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитети лойиҳаси зўр қизиқиш ва кўтаринки руҳ билан муҳокама қилинаётганини, меҳнаткашлар оммаси, партия ташкилотлари, коммунистлар ўзларининг ижобий таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлаётганликларини мамнунлик билан таъкидлаймиз.

— Инсон тўғрисида, унинг бахт-саодати ва фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимизнинг ҳамиша олий мақсади бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига ишончимиз комил, — деди «Партия XXII съезди» колхозининг пахтачилик отрядаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машариф Мавлонов. — Биз бу ғамхўрликка жавобан пахта етиштиришни муттасил кўпайтириб боришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз. Бу йил бригадамиз бўйича гектаридан 60 центнердан ошириб «оқ олтин» хирмони кўтардик. Келаси йили ҳосилдорликни камида 65 центнерга етказамиз. Бу КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

— Илғари ҳосилдорликда қолоқ ҳисобланиб келинган Беруний номли колхозимиз, — деди шу хўжалик раҳбари олий маълумотли мутахассис Рўзимат Ражабов, — съездлар арафаси йилида 1497 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтариб, илғорлар сафидан ўрин олди. Бир йилда ялпи ҳосилдорликни 5 центнер оширдик. Ҳали резервлар кўп. Келаси йили 50 центнерлик ҳосил марраси ни эгаллаш учун бутун куч, техника воситаларини сафарбар этамиз.

Районимиз пиллакорлари, галлакорлари, чорвадорлари, сабзавоткорлари, боғбон-сўҳибкорлари ҳам лойиҳаси муҳокама қилиб, ўз эҳтиёжларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар. Сўз бериб устидан чиқиш учун келаси йил юқори ҳосилига мустаҳкам замин яратмоқдалар. Ерларни шудгорлаш тугалланди, органик ўғитлар тўпланди, ирригация-мелиорация, техника ремонти ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Кези келганда шуни айтиш керакки, районимиз бўйича 220 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» тайёрланиб, ўнинчи беш йиллик плани ортиғи билан бажарилди. 1980 йилдагига давлат тайёрлов пунктига 46 минг тонна юқори сорт пахта топширилди, ҳосилдорлик гектар ҳисобига 44 центнерга етказилди.

Хўжаликларимизнинг кўрсаткичлари янада юқори бўлди. Фрунзе номли, «Партия XXII съезди», Ленин номли, Беруний номли, Огаҳий номли колхозлар 45—50 центнерлик марраси эгаллади.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Район партия комитетининг бюро аъзоси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Норбой Раҳимов бошлиқ. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Болта Жуманиёзов бошлиқ, шунингдек, Комил Саъдуллаев, Шоназар Юсуповлар бошлиқ бригадалар гектаридан 58—60 центнердан ҳосил кўтариб, мусобақада голиб чиқдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Район партия комитети лойиҳа муҳокамаси давомида фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини ҳаммаларнинг мулкига айлантириш чораларини кўришга алоҳида эътибор бермоқда. Мисол учун қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Абушариф Мадримов раислик қилаётган Фрунзе номли колхозни олайлик. Бу хўжалик пахтабеда алмашлаб экишни кенг қўлламда жорий этиш, органик ўғитлар самарадорлигини оширишда тажриба мактабидир. Ҳар гектар ер ҳисобига 30—35 тонна органик ўғитлар жамгарилиб, экин «шарбат» усулида суғорилади. Агротехниканинг бошқа тадбирлари энг яхши муддатларда ўтказилади. Натижада тупроқнинг унумдорлиги кўтарилиб, ҳосилдорлик йил сайин ошяпти. Колхоз пахтакорлари икки йилда гектаридан 50 центнердан пахта хирмони кўтарганликларини айтиб ўтиш кифоядир.

Лекин ҳамма жойда ҳам пахта-беда алмашлаб экиш яхши ташкил этилган деб бўлмайди. Органик ўғитларнинг ҳосилдорликни кўтаришдаги ролига етарли баҳо бермаётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, органик ўғитлардан оқилона фойдаланилганда пахта ҳосилини 5—6 центнер кўтариш, сортини яхшилаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш мумкин. Шундай экан, **лойиҳада ҳар бир колхоз ва совхозда планда белгиланган миқдорда органик ўғитлар жамгарилишини таъминлаш хўжаликлар раҳбарларининг бурчи** деган иборалар ёзиб қўйилишини истар эдик. Органик ўғитларни кўпайтириш чорвачиликни ривожлантиришни ҳам тақозо этади.

Иккинчи муҳим масала пахта теримини тезроқ комплекс механизациялаш билан боғлиқдир. Илгари Хоразм шароитида теримни комплекс машиналаштириш қийин иш деган нотўғри қайғият юрарди. Азамат механизаторларимиз бу фикрга қаттиқ зарба бердилар. Теримда «зангори кема»лар тобора кўпроқ ҳукмрон кучга айланяпти. Юқорида айтиб ўтилганидек, шу йилнинг ўзидагина районимиз бўйича ялпи ҳосилнинг қариб 60 проценти машиналарда терилди.

Бироқ бундан қониқиш ҳосил қила олмаймиз. Сабаби, илғор районлар, колхозлар, совхозлар бу кўрсаткични 80-90 процентга етказяпти, ҳатто ундан оширяпти. Биз ҳам шунга эришмоғимиз керак. Бунинг учун малакали механизатор кадрларга эга бўлмоғимиз, ғўзани машиналар мижозига мослаб, юқори ҳосилли қилиб ўстирмоғимиз лозим. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, **лойиҳага пахтакор районларда механизатор кадрлар тайёрлаш янада кучайтирилсин, ҳар бир хонадондан камида бир-икки механизатор тайёрлансин, терим машиналаридан фойдаланиш коэффициенти оширилсин** деган сўзлар ёзиб қўйилишини таклиф қиламиз.

Хўжаликларимиз кўплаб ер ҳайдаш, чопиқ тракторлари, пахта терими машиналари, турли хил механизмагрегатлар олипти, улардан дала, ферма, ирригация-мелиорация ишларида фойдаланиш тобора яхшиляпти. Лекин баъзи эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ҳоллари рўй бераяпти. Даҳлдор таъминот ташкилотлари ғўза тутилган эҳтиёт қисмларни турли сабаблар билан вақтида жўнатмаяпти. Оқибатда белгиланган тадбирларни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келиняпти. **Бизнинг фикримизча, хўжаликларни техника воситалари учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда намунали тартиб ўрнатилмоғи, даҳлдор ташкилотлар масъулияти оширилмоғи керак.**

Шу кунларда «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳаси районимиздаги барча бошлағич ва цех партия ташкилотларида кенг муҳокама қилиняпти, бу сиёсий ишда уч мингдан ортиқ коммунист, кўплаб касаба союз аъзолари ва комсомоллар, активлар фаол қатнашяпти. Муҳокама район олдида турган сиёсий-хўжалик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш билан боғлиқ олиб бориляпти. Чорва қишловини соз ўтказиш, маҳсулотларни кўпайтириш партия ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг диққат марказида бўляпти.

**М. МАТКАРИМОВ,**
**Хива район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

**КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасидан илҳомланган Тошкентдаги Ленин номли электротехника заводи коллективи ўнинчи беш йилликкнинг якунловчи йилини меҳнатда катта ютуқларга эришиш билан якунланмоқда. Улар ўнинчи беш йиллик ишлаб чиқариш программасини муддатидан илгари адо этдилар.**

**Бу ерда ишлаб чиқарилган электрон асбоб-ускуналар мамлакатимизнинг саноат объектларида, медицина муассасаларида ҳамда илмий марказларни жиҳозлашда кенг қўлланилаётир.**

**Суратда: корхонанинг пешқадам ишчилари — Саломат ва Санда Пирматовалар.**

**Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ).**

## МАЛАКАЛИ ШИФОКОРЛАР КЎПАЙСИН

Ўнинчи беш йилликда бошқа соҳалар қатори вилоятимизда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Кўплаб замонавий даволаш-профилактика муассасалари барпо этилди. Натижада поликлиника ва амбулаторияларимиз эндиликда бир сменада бир йўла 2300 кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлдилар. Вилоятимиз касалхоналаридаги жами ўринлар сони кейинги беш йил мобайнида 6150 тага етди.

Меҳнаткашлар соғлиғи ҳақидаги, фаровон турмуш тўғрисидаги бундай ғамхўрлик социалистик жамиятимиз табиатидан келиб чиқади. Жонажон партиямиз, ҳукуматимиз ўзларининг кундалик фаолиятларида бунга ҳамиша биринчи даражали вазифа деб қараб келадилар. Асосий йўналишлар лойиҳасини диққат билан ўрганар

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

эканмиз, қалбимиз фахр-иftихор туйғулари билан тўлиб тошмоқда. Чунки, бу мўътабар хўжжатда бошқа соҳалар қатори медицина ва соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган

Маълумки, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, самарадорликни юксалтириш йўлларидан бири медицина ходимларининг малакасини ошириб боришдан иборатдир. Вилоятимизда ҳам бу соҳада талайгина ишлар қилинди. Жумладан, ўнинчи беш йилликда 700 га яқин врач ҳамда 1600 дан ортиқ ўрта медицина ходимларимиз Иттифоқимиз ва республикамизнинг турли муассасаларида малака ошириб қайтдилар. Натижада қишлоқ ва вилоятда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш сифати анчагина яхшиланди. Шу йўл билан ортирилган тажриба аёниқса бизнинг шароитда катта самара бермоқда.

Назаримда, бу борадаги ишларни актив давом эттириш лозим. Шунинг учун лойиҳанинг «Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш» деб аталган бўлимининг соғлиқни сақлашга оид қисмидаги «Фан-техника ютуқларини медицина практикасига жадал ва кенг жорий этиш, медицина ходимлари меҳнатини ташкил этишнинг илғор формалари ва методларидан фойдаланиш тадбирлари кўрилсин», деган жумладан кейин **«Қишлоқ жойларда, кичик шаҳар ва посёлкаларда иш олиб бораётган медицина ходимларининг малакасини ошириб бориш йўлида доимо ғамхўрлик қилинсин»** деган сатрларни қўшиб қўйишни таклиф қиламан.

**Л. НОСИРОВ,**
**Сирдарё область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.**

## СОН КЕТИДАН ЭМАС...

### ЕНГИЛ САНОАТ

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилган.

Истеъмолчи маҳсулотларнинг сони ва сифати тўғрисида уларни магазинда кўриб, харид қилгандан кейингина фикр билдиради. Совет кишиларига шунчаки буюмлар эмас, балки пишиқ-пухта, ташқи безаги ғўзал, ҳозирги модаларга жавоб бера оладиган маҳсулотлар керак. Давлат стандартлар комитети Ўзбекистон бошқармаси ходимлари табиий ва синтетик материаллардан тикилган эркаклар ҳамда хотин-қизлар оёқ кийимлари сифатини текширганларида ана шу одий ҳақиқат нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Ана шу комплекс текширув жараёнида оёқ кийимини ишлаб чиқарувчилар, пойафзал моделлари уйи, уларни сотувчи ташкилотлар ҳамда пойафзал учун хом ашё тайёрловчи саноат корхоналаридаги аҳвол кўздан кечирилди. Текширув Ф. Хўжаев номли Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-фабрика, Тошкентдаги 2-фабрика, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган ва республикамиздаги бошқа пойафзал фабрикаларида тайёрланаётган оёқ кийимларида турли-туман нуқсонлар борлигини кўрсатди. Шу туфайли янгигина тикилган жуда кўплаб пойафзаллар савдо базаларида ҳаракатсиз ётибди. Сандалетлар, туфлилар, этиклар, ботинкалар бирон марта ҳам қийилмасдан эскириб қолмоқда. Чунки, уларни истеъмолчи харид қилмайди. Сабаб серзавқ, талабчан кишилар хушбичим, чиройли пойафзалларни харид қилгилари келади.

Мана шунинг учун ҳам дўкон пештахталарида брак маҳсулотларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилувчи органлардан бири — савдо ташкилотлари пойафзал корхоналарига кетма-кет рекламациялар юборишяпти. Мисоллар учун Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасига 260 та рекламация жўнатилиб, 134,4 минг сўм жарима солинди. Шу йилнинг тўрт ойида эса 43,6 минг сўм жарима тўланиши кўрсатилган 87 та рекламация юборилди. Тошкентдаги 2- ва Фарғона пойафзал фабрикалари ҳам бу соҳада ўзларига хос «рекорд» қўйяптилар. Афсуски, пойафзал корхоналарининг раҳбарлари бундан тўғри хулоса чиқариб олмай, рекламацияларни ижкки қўллаб қабул қилишда давом этяптилар.

Хўш, ўзи нима гап? Текшириш натижалари таҳлил этилганда шу нарса маълум бўлмоқдаки, маҳсулотлардаги нуқсонлар ҳамда стандарт талаблари бузилаётганлигига асосий сабаб — технология жараёнларидаги камчиликлар ва технология интизомини бузиш, технология жараёнларининг ўлчов ва синов воситалари билан таъминланмаганлиги, корхоналардаги метрология хизматининг қониқарсиз ишлаётганлиги, давлат стандартларини жорий этиш муддатларига риоя қилмаслик, корхоналардаги хом ашё сифатининг пастлиги, корхоналардаги техника назорати бўлимлари фаолияти ҳозирги кун талабига жавоб бермаслигидир.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги анчадан бери бир муаммони, яъни пойафзал фабрикаларига сифатли чарм етказиб бериш масаласини ҳал қилолмай келмоқда. Чунончи, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси ўтган йили хом ашё етказиб берувчи корхоналардан 27,4 минг сўм ундириб олди. Шу йилнинг беш ойи ичида эса бу рақам 61,2 минг сўмни ташкил этди. Давлат ҳисобидан бемалол жарима тўлаётган, сифатсиз маҳсулотлари билан ном чиқараётган корхоналар орасида Тошкентдаги «Ўзбекистон» сунъий ва табиий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд кўн заводи, Қўқон хром чармлар заводи ҳам бор. Маскур корхоналар пойафзал фабрикаларига сифатсиз, ёмон ишлов берилган, қаттиқ, олачалпоқ бўёқланган чарм маҳсулотларини юбормоқда.

Республикадаги айрим пойафзал корхоналарининг ондасонда янги моделдаги оёқ кийимларини ишлаб чиқарадилар ва унинг синовини ўтказадилар. Тармоқда бу соҳадаги бош корхона моделли пойафзаллар республика уйи ҳисобланади. Бироқ пойафзал корхоналарида янги хил маҳсулотларни кўплаб, сифатли тайёрлашда ижобий натижаларга эришилаётгани йўқ. Чунки, янги моделлар оммавий равишда ишлаб чиқариладиган участкаларда эмас, балки эксперименталцехлардагина тикиляпти. Бундан ташқари корхоналарда бўлгани каби моделли пойафзаллар республика уйида ҳам ишлаб чиқилаётган янги хил пойафзалларнинг техникавий даражасини янада ошириш ҳамда уларни ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий этиш сержило, рангорранг материаллар, фурниттураларнинг йўқлиги ёки камчиллиги туфайли ҳаддан ташқари орқага суриляпти.

Оқибатда модельер-рассомлар томонидан яратилган янги моделлардаги ботинкалар, туфлилар, этиклар қоғозда қолиб кетяпти. Улар моделлар уйидан ишлаб чиқаришга йўл олган тақдирда ҳам кишини қувонтирмоқ олмайди. Сабаби — орадан бир неча йил ўтган, пировардида модадан орқада қолган бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, моделли пойафзаллар республика уйида авторлик назорати етарли даражада эмас. Яъни яратилган янги моделдаги пойафзалларни корхоналарда оммавий суратда ишлаб чиқариш жараёни устидан назорат қилинмайди.

Масаланинг яна бир томони бор. У пойафзалларнинг савдо базаларида сақланишидир. Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг «Ўзобувьторг» савдо базаларида кўпинча маҳсулотларни тўғри, рисоладагидек сақлашга эътибор берилмаяпти. Чунончи, Сирдарё область савдо базасида оёқ кийимларни тахлаш тартиби бузилмоқда. Бу ерда маҳсулотларни сақлашнинг ҳарорат намлик режимини ўлчовчи асбоблар йўқ. Шу туфайли пойафзаллар роҳ кенгайиб, роҳ торайиб ўзининг истеъмол хусуснятини йўқотяпти.

Пойафзал саноати тармоғида маҳсулот сифатини яхшилаш учун жавобгар бўлган турдош корхоналар ходимлари кучайтиратини аниқ мақсадга йўналтирадиган ягона ташкилот ташкил этилмаган. Масалани фақат тармоқлараро алоқани тўғри йўлга қўйган тақдирдагина ижобий ҳал этиш мумкин. Шунинг учун биз Асосий йўналишлар лойиҳасига: **«Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча турдош корхоналар ва ташкилотларни иқтисослаштириш ҳамда улар фаолиятини координациялаш яхшилансин»**, — деган сўзларни қўшишни таклиф қиламиз.

**Р. ҲОШИМОВ,**
**А. БОЧКОВ,**
**СССР Давлат стандартлар комитети Ўзбекистон бошқармаси ходимлари.**

*Меҳнатни илмий асосда ташкил этайлик*

## КИБЕРНЕТИКА—ЭЛ ХИЗМАТИДА

### Ф А Н

Ривожланган социалистик жамият шароитида иқтисодий сиёсатнинг туб масалалари юзасидан жонажон партиямиз белгилаб берган принципиал йўл-йўриқлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида ана шу йўл-йўриқлар янги беш йилликка ва анча олис истиқболга татбиқан конкретлаштирилган. Айни чоғда иқтисодий стратегия ўртага қўйилган максадларга эришиш воситаларини, шулардан бири халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини ҳар тарафлама яхшилашдан иборат.

КПСС XXV съездининг социалистик экономиканинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш хусусидаги кўрсатмалари бугунги кунда янада даъваткорроқ жарангламоқда. Зеро ўнинчи беш йилликда бўлгани каби кейинги беш йилларда ҳам бу жуда муҳим масалалардан бири бўлиб қолаверади. Уларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштиришга тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, экономиканинг ривожланиши янги босқичга кўтарилиши билан хўжалик ва тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги янада мустаҳкамланмоқда, кўпроқ мураккаб илмий-техник, социал-иқтисодий ва бошқа проблемаларни ҳал этишга тўғри келмоқда. Булар эса ўз навбатида планлаштиришни ва бошқаришни янада мураккаблаштирмоқда.

Экономиканинг мураккаб масалаларини ҳал этишда, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришда математика ва бошқа фанлар ютуқлари асосида вужудга келган иқтисодий-математик методлар ва моделлаштириш принциплари катта аҳамият касб этади. Айниқса математик методларни электрон-ҳисоблаш машиналари билан биргаликда ишлатиш яхши самара бермоқда.

Ҳозирги кунда иттифоқимизда халқ хўжалигининг турли соҳаларида бундай метод ва электрон-ҳисоблаш машиналаридан самарали фойдаланиш юзасидан жуда катта тажриба орттирилган. Республикамизда ҳам бу борада муайян ишлар қилинди. Математик метод ва «ақлли» машиналар бир қанча корхона, бирлашма ва министрликларда ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республикада бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини яратиш ва халқ хўжалигида иқтисодий-математик методларни ишлаб чиқиш бош илмий марказ ҳисобланади. Республика Фанлар академиясининг академиги В. Қобулов раҳбарлигида Ўзбекистонда иқтисодий математиканинг йирик регионал мактаби вужудга келди. Бу мактаб намояндалари қатор ютуқларга эришдилар. Қолаверса, республика Давлат план комитетининг ахборот-ҳисоблаш маркази, Тошкент халқ хўжалик институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг иқтисод институти ва республиканинг қатор министрлик ҳамда идоралари қошидаги ҳисоблаш марказлари бу соҳада қизиқарли илмий ва амалий иш олиб бормоқдалар.

Аммо математик методлар ва электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқаришга жорий этишда тўпланган тажрибаларни таҳлил қилиш ва қиёсий ўрганиш бу борада қатор ечилмаган масалалар борлигини кўрсатди. Аввало жуда кўп ҳолларда планлаштириш ва бошқариш системасини такомиллаштиришга системали ва комплекс ёндашилмайдики, бу ҳол математик методлардан ва электрон-ҳисоблаш машиналаридан самарали фойдаланиш даражасини пасайтиради. Баъзан эса иқтисодий-математик методлар ва «ақлли» машиналар хўжалик юритиш технологиясини ўз ичига олмаган айрим тарқоқ масалаларни ечишда фойдаланилмоқда. Шуниси ҳам борки, ҳозирги бошқариш системасида корхона, бошқарма, министрлик ва бошқа ташкилотлардаги мавжуд иқтисодий маълумотлар техника воситалари ёрдамида йиғишга, қайта ишлаш ва умумлаштиришга яхши тайёрланмаган. Чунки, керакли нормативлар тўлиқ эмас, машинада ишлатиш учун мўлжалланган форма ва жадваллар системаси етишмайди, бошқарувчи ва бошқарилувчи системалар ўртасида ахборотларни интеграл принципда қайта ишлаш ташкил этилмаган. Қолаверса, айрим мутахассис ва раҳбар ходимлар иқтисодий-математик методлар ва электрон-ҳисоблаш машиналарининг имкониятлари тўғрисида тўғри ва тўлиқ маълумотга эга эмас. Бу ҳол шу метод ва «ақлли» машиналар имкониятини паст баҳолашга ва аксинча жуда бўрттириб кўрсатишга олиб келмоқда.

Шу боисдан ҳам халқ хўжадигини ривожлантиришнинг якин ўн йилларга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидаги «экономиканинг барча бўғинларида бошқарувни такомиллаштириш, хўжалик юритиш даражасини ошириш» бўлимда «Планлаштириш ва территориал-ишлаб чиқариш комплексларига раҳбарлик такомиллаштирилсин» деган ғоя **«бу ишда иқтисодий математик методлар ва электрон-ҳисоблаш машиналаридан самарали фойдаланилсин»** деб тўлдирилишини таклиф этамиз.

Ўзбекистон ССР миқёсида планлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш программаси республика халқ хўжалигини бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини яратиш ва уни изчиллик билан ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ягона программаси билан узвий боғланган бўлиши лозим. Кейинги йилларда иқтисодий-математик моделлаштириш методларининг барқарор ривожланиши, территориал планлаштириш ва илмий-тадқиқот ишларида электрон-ҳисоблаш машиналарини кенг қўлланиш мураккаб регионал проблемаларни ечишга янгича ёндашиш имконини бермоқда.

Йирик регионал масалаларни ҳал этиш, маълумоти, жуда кўп аниқ маълумотларга эга бўлишни талаб этади. Уларни эса фақат электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ёдда тутиш, у ёки бу мақсад учун ишлатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида регионал экономика масалаларини кўп вариантларда ҳал этиш имконини беради. Ҳозирги вақтда бундай экономиканинг асосий йўналишлари саноат ва қишлоқ хўжалигининг йирик тармоқларини жойлаштиришнинг моделларини ишлаб чиқиш, регионлараро ва тармоқлараро мавжуд йирик масалаларни ҳал этиш, территориал-иқтисодий пропорцияларни иқтисодий-математик таҳлил қилиш, меҳнат ва табиий ресурслардан оптимал фойдаланиш ва бошқа проблемалардан иборатдир. Улар орасида агросаноат комплексини ривожлантириш, биринчи навбатда пахта ҳамда чорвачилик комплексларини яратиш, ердан ва сувдан ўринли фойдаланиш масаласини ҳал этиш республикамиз экономикасининг асосий вазифаларидандир.

Регионал экономикани оптималлаштиришнинг назарий ва амалий асосларини пухта ишлаб чиқиш, юқоридаги проблемаларнинг математик моделлари системасини яратиш республикамиз халқ хўжалигини бошқаришни комплекс автоматлаштиришга олиб келади. Бу халқ хўжалигини бошқаришнинг интеграл системаси бўлиб, барча босқичдаги автоматравишда ишловчи системаларни ўзида бирлаштиради. Ҳозирги кунда унинг доирасида Ўзбекистонда юздан ортиқ бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари, кўплаб ахборот-ҳисоблаш маркази ва 300 дан ортиқ электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб турибди. Кибернетика соҳасида 13 минга яқин киши меҳнат қилмоқда ёки таълим олмоқда.

Бошқаришнинг айрим погоналарининг автоматлаштирилган системалари ва территориал системалар билан ўзаро мустаҳкам алоқада ишлаш юзасидан ҳали кўп иш қилишимиз керак. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси республика Давлат план комитетининг ахборот-ҳисоблаш маркази билан бирга министрлик ва идоралар ахборот-ҳисоблаш марказлари ҳамкорлигида қизиқарли тажрибалар ўтказмоқда. Бу тажрибалар аввало «Пахта» комплексига кирувчи тармоқларнинг Давлат план комитети билан ўзаро ахборот алмашишини кўзда тутади. Дастлабки натижаларга қараганда бу янгилик халқ хўжалигига жуда катта самара беради, оптимал планлаштириш ва бошқаришни тезлаштиради. Республика миқёсида бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси яратилиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши экономикамиз ривожланишини янги погонага кўтаришгина қолмасдан, инсон тафаккурини кенгайтиради, жойларда жуда катта социал ва маданий ўзгаришларга олиб келади, малакали кадрлар тайёрлашни тезлаштиради, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам беради.

Бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси аслида меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг энг самарали формасидир. Бу боисдан ҳам Асосий йўналишлар лойиҳасининг иккинчи бўлимидаги «Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш сабоқ билан жорий этилсин ва унинг самарадорлиги оширилсин» деган кўрсатма **«...халқ хўжалигининг барча тармоқларида сабот билан жорий этилсин...»** деб конкретлаштирилишини истардик.

**Н. ЗИЕДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторияси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# ЮКСАК МАРРАЛАР

## ГАГАРИН РАЙОНИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ АНЧА КЎПАЙТИРИШ ВА ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИНИ УЧ ЙИЛДА БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ

## ТАДБИРЛАРИ

Гагарин районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли равишда бажариш учун мусобақалашиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар, дала ва ферма маҳсулотларининг барча турларини етиштириш ва тайёрлаш беш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар.

1976—1980 йиллар мобайнида давлатга 290,3 минг тонна пахта сотилди, бу эса тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 57,7 минг тонна кўпдир. Бу йил пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 34 центнерга етди, ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан териб олинди.

Дон етиштириш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 2,8 баравар, шу жумладан, шоли етиштириш 2,7 баравар кўпайди. Шоли ҳосилдорлиги 1980 йилда гектар бошига 60 центнерни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам мутасил ривожланди. Сабзавот тайёрлаш беш йиллик плани 101 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлаш плани 110 процент, гўшт 140 процент, сут 106 процент, тухум тайёрлаш 110 процент бажарилди.

Дон етиштиришни кўпайтиришнинг ўртача йиллик суръатлари бундан аввалги беш йилликдаги даражадан 36 процент, ингичка толали пахта етиштириш 23 процент, гўшт етиштириш 12 процент, сут етиштириш 21 процент, тухум етиштириш 36 процент ошди.

Чорвачиликда ихтисослаштириш ва концентрациялаш тадбирлари амалга оширилмоқда. 2000 бош бузоқ сўқимга боқиладиган хўжаликлараро комплекс ташкил этилди ва ишлаб турибди, 60 минг бош паррандага мўлжалланган паррандахоналар қурилди, чўчқачилик жадал ривожланмоқда.

Гагарин районининг қишлоқ меҳнаткашлари партия ва давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигига конкрет ишлар билан жавоб бериб, мавжуд резервлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, ўн биринчи беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқдилар ва беш йиллик планларини уч йилда бажаришга қарор қилдилар.

1983 йилда пахта етиштиришни 100 минг тоннага, шу жумладан, пахтанинг ингичка толали навларини етиштиришни 85 минг тоннага; дон етиштиришни 100 минг тоннага, гўшт етиштиришни 2,1 минг тоннага, сут етиштиришни 10 минг тоннага, тухум етиштиришни 11,7 миллион донага етказиш мўлжаллаб қўйилди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришга тармоқни интенсивлаштириш йўли билан ҳам, шунингдек, экин майдонларини кенгайтириш йўли билан ҳам эришилади.

1981—1983 йиллар мобайнида пахта майдони 9 минг гектар, бундан Музработ массивида 6 минг гектар ерни ўзлаштириш ҳисобига, 3 минг гектар ер хўжалик ички резервларидан фойдаланиш ҳисобига кенгайтирилади.

Пахтакор хўжаликларнинг сув таъминотини ошириш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, гербицидлардан за ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, ғўзани парвариш қилиш агротехникасини ва ҳосилни йиғиб-териб олиш технологиясини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар комплекси амалга оширилади.

Фан ва илғор тажрибаютуқлари кенг қўлланилади. Пахта майдонларининг асосий қисмига туксизлантирилган ссялкалар билан экилади. Ғўзанинг С-6037 ва Ашхобод-25 деб аталган янги серҳосил ингичка толали навлари ялпи жорий этилади.

1983 йилда 28 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35,7 центнер, илгари сугориб келинган ерлардан эса 37,6 центнердан хирмон кўтариш мўлжаллаб қўйилди. Ҳосил теримини механизациялаштириш даражасини 90 процентгача етказиш белгиланди.

Ялпи дон ҳосили 1980 йилга нисбатан 2,4 баравар кўпайтирилади. 1983 йилда шоли етиштириш 60 минг тоннага, маккажўхори дони етиштириш 25 минг тоннага, бошоқли дон етиштириш 15 минг тоннага етказилади. Донли экинларнинг ҳосилдорлиги гектар бошига 62,5 центнерни, шу жумладан, бошоқли дон экинларнинг ҳосилдорлиги 50 центнерни, дон учун маккажўхори ҳосилдорлиги 83 центнерни ва шоли ҳосилдорлиги 60 центнерни ташкил этади. Ялпи ҳосилнинг ва ҳосилдорликнинг ўсишига шу экинларни етиштириш агротехника даражасини кескин равишда ошириш, серҳосил навлар ва дурагайларни жорий этиш, техника воситаларидан ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, экин майдонларини кенгайтириш йўли билан эришилади. 1983 йилда районда 16 минг гектар майдонга донли экинлар экилади, бу эса 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпдир.

Бошоқли дон экинларидан асосан кузги арпа етиштириладиган бўлади. Дон учун маккажўхори етиштириш индустриал технология асосида ихтисослашган хўжалик ҳисобидаги бригадаларда ташкил этилади. Янги суғориладиган ерларда маккажўхори дони етиштиралиган хўжалик ҳисобидаги бўлим ташкил этиш мўлжаллаб қўйилди.

Шоли экин майдонлари 10 минг гектарга етказилади. 3 минг гектар майдонда янги шоликорлик совхозини ташкил этиш кўзда тутилади, мавжуд совхозларда шоли ҳосилдорлиги оширилади.

Сабзавот-полиз экинларни етиштириш ҳажми уч баравар кўпайтирилади. Бунга шу экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва майдонларни кенгайтириш йўли билан эришилади.

Жамоат чорвачилиги тез суръатлар билан ривожлантирилади. 1983 йилда 1980 йилдагига нисбатан гўшт етиштиришни уч баравар, сут етиштиришни икки баравар, тухум етиштиришни 4,5 баравар кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шу маҳсулотларни етиштиришни ошириш чорва ва паррандани кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш йўли билан таъминланади. 1983 йилда қорамоллар 1,6 баравар, сигирлар қарийб 2 баравар, қўй ва эчкилар 1,2 баравар, чўчқалар 3,9 баравар, паррандa 4,3 баравар кўпайтирилади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори 3100 килограммга, гўштга топшириладиган қорамолнинг ўртача вазни 465 килограммга етказилади, товуқларнинг йилига 185 дона тухум беришига эришилади. Ҳар бир сигирдан биттадан бузоқ, ҳар 100 бош совлиқдан 110 талан қўзи, ҳар 100 бош ургочи чўчқадан 2500 та чўчқа боласи олиш мўлжаллаб қўйилди.

Беда поялар 3220 гектарни ташкил этади, ҳар бир сигирга бир гектар беда поя тўғри келади. 1983 йилда хашак етиштириш 82,5 минг тоннага, ширали озуқа етиштириш 103,5 минг тоннага етказилади. Ем-хашакка бўлган эҳтиёж 150 процент қондирилади.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун сув хўжалиги қурилиши соҳасидаги катта ҳажмдаги ишларни бажариш зарур. Амударё одогида 6,5 минг гектар янги ерни, Музработ массивида 8 минг гектар ерни ўзлаштириш, «Искра» насос станциясини қуриб битказиш ва уни 1981 йилги суғориш мавсумигача ишга тушириш, МК 5-А насос станциясини реконструкция қилиш, Зарқ каналида ва Амударёда икки босқичли насос станцияларини қуриш лозим.

Бундан ташқари, 34 минг киловатт қувватли подстанцияни ва электр линиясини қуриш, янги совхозлар ташкил этиш, совхозларда ишлаб чиқариш, маданий-маиший объектлар ва уй-жойлар қуриш масалаларини ҳал этиш, Оқтош қишлоғида бир секундда 250 литр сув ўтказиш қувватига эга бўлган сув ўтказиш узелини, 25 километр узунликдаги магистрал водопровод ва бошқа объектларни ишга туширш керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши районнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиб беради, меҳнаткашлар турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишга ижобий таъсир ўтказади.

Район меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини кутиб олаётиб, эҳтиёт ва ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, барча моддий-техника ва меҳнат ресурсларини 1981 йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш йўлида мустаҳкам замин яратишга ғайратлар этмоқдалар.

**УШБУ ТАДБИРЛАР РАЙОН ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА МАЪҚУЛЛАНГАН.**

# ЎЛМАС САНЪАТКОР

## ОЛИМ ХЎЖАЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Олим Хўжаев мамлакатимиз театр санъатининг жуда кўп арбоблари билан яқиндан таниш ва дўст эди. Масалан, санъатиорнинг машҳур режиссёр, СССР халқ артисти, Шевченко номидаги Украина ССР Давлат мукофоти лауреати Д. А. Алексидзе билан дўстлиги театр учун яхши самара берди. Д. А. Алексидзе Софоклнинг «Антигона» трагедиясини Ҳамза театри учун махсус саҳналаштирди. Суратда: Олим Хўжаев дўсти ва ҳамкасби Д. А. Алексидзе билан.

Саҳна шинавандаси ўзининг севимли актёри номини тилга олар экан, даставвал у ижро этган ролларни кўз олдига келтиради. Бунинг сабаби, санъаткор яратган ролларнинг томошабинга таъсир этгани, қалбидан ўрин олгани, ҳаётида сабоқ бўлгани ва фикр доирасининг кенгайишига имкон берганидадир, албатта.

Ана шундай ажойиб образлари билан кенг томошабинлар қалбидан жой олган отахон артистларимиздан бири Олим Хўжаевдир. Олим Хўжаев Алишер Навоий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сингари буюк сиймолар ролларини саҳнамизда биринчи бўлиб ўйнаган артистларимиздан. Бу образлар шу қадар қиёмига етган эдики, ижродан у ғўё моҳир рассомнинг нозик дилли мўйқаламидан жило олгандай туюларди. Чиндан ҳам устоз — саҳнамиз рассоми эди. Шундай спектакллар саҳнада узоқ умр кўради. Биргина «Алишер Навоий» спектакли 700 мартадан кўп ўйналган, зўр ижрочи ҳаёт бўлганларида ҳанузгача мингдан кўп кўйилиши аниқ эди. Бу асар фақат ўзимиздагина эмас, балки қардош республика томошабиларига ҳам машҳур эди.

...1949 йил, «Алишер Навоий» спектакли СССР Давлат мукофотига сазовор бўлади. Лауреатлар орасида Аброр Ҳидоятов, Маннон Уйғур, Сора Эшонтўраева, Олим Хўжаев, Семён Миленин, Обид Жалилов, Саъдихон Табибуллаев, Лутфилла Назруллаевлар бор эди. Шу воқеа муносабати билан Олим Хўжаев ташаббусига кўра, Бухоро областига гастроль қилинди. Спектакларни фақатгина шаҳар томошабинларига кўрсатиш эмас, балки энг узоқ районларга олиб чиқишни мўлжалладилар... У вақтларда қишлоқ клублари у ёқда турсин дала шийпонлари ҳам йўқ даражада эди. Шунга қарамай, машина кузовларини саҳна ҳиз этиб, спектакллар ўйналган эди.

Олим ака театр томошабинларини кўпайтиришга ҳаракат қилган актёрлардан эди. Зеро, томошабинлар қандай асарларга ташна экнини доим ҳисобга олиб турардилар. Шу боиснан фақат юрак жиз этган ролни ижро этишга отланардилар. Шуни ҳам айтиш керакки, Олим Хўжаев жуда кўп драматургларимизни бараҳали ижод қилишларига ҳисса қўшган, Ҳатто Иззат Султонининг «Имон» пьесасининг юзага келиши сабабчиларидан бири, деб айтсак ҳам бўлади,

Олим Хўжаев ижро этган профессор Йўлдош Комилов образи театримиз тарихида энг яхши ижро этилган образлар галереясидан ўрин олди. Драматург Иззат Султон актёр хизматларини тақдирлаб, асарини атоқли артистимиз Олим Хўжаевга бағишлади. Драматург Одил Ёқубовнинг «Айтсам тилим, айтмасам дилим» пьесасининг саҳна юзини кўришига сабабчи бўлган ҳам Олим Хўжаевдир. Чунки ўзи Ўзбекистон халқ артистаси Шоҳида Маъзумова билан саҳналаштириб, бош роль — Комилни ижро эттирдилар. Атоқли артистимиз режиссёрликда ҳам салмоқли иш олиб борганлар. Драматург Уйғунинг «Абу Райҳон Беруний» асарини театримиз бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев билан саҳналаштирган эдилар.

Самарқанд рус драмтеатрида Баҳром Раҳмоннинг «Юрак сирлари», Болгариядаги Хасково давлат театрида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асарларини саҳналаштирди. Бу билан яна Ҳамза асарларидан бирининг чет эл саҳнасида қўйилишига сабабчи бўлди.

Олим Хўжаев жаҳонгашта, дунё кезган актёрлардан эди. Қаерга борманг, қаерда бўлмасин ўз касби, ўз эли ютуқларини кўз-кўз қила олар эди. В. Шекспир туғилган кунининг 400 йиллиги муносабати билан Англияда ўтказилган тантанада СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева билан иштирок этиб, «Гамлет»дан парча намойиш қилди. Умуман олганда, Шекспир асарларида энг кўп ролларни ижро этган ҳам Олим Хўжаевдир. «Отелло»да Яго, «Юлий Цезар»да Цезарь, «Кирол Лир»да Лир, «Гамлет»да Гамлет... У рус классик асарларидан «Сенсиз қиз»да Паратов, «Ваня тоға»да Астровларни ижро этиб стук санъаткорлигини исбот этган. Олим ака деярли ҳамма қардош республикалар санъаткорлари ютуқларидан баҳраманд бўлиш, улар билан ижодий ҳамкорлик қилиш йўлларини ахтарар эди. Театримизда Софоклнинг «Антигона»си қўйилиши учун гоўзиялик режиссёр, СССР халқ артисти Александзе таклиф этиб, ижодий юксалишга бош қўшди.

Устозимиз ҳозиржавоб, ғалбида гражданлик туйғуси жўш уриб турарди. У Жанубий Америкада бош кўтарган фашизм тўдаларига жавоб бериш мақсадида «Мен Чилиянг ишонаман» пьесасида бош қаҳрамон — ватанпарвар Сальвадор Альенде роли моҳирона ижро этди. Бу актёр ижро этган ролларни санаб адо этиш қийин, яна ҳар биринг салмоқли эканини айтмайсизми?

Олим аканинг кино санъатида алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш керак. «Қутлуғ қон»да Ҳакимбойвачча, «Ленин йўлланмаси билан»да Митхад, «Абу Али ибн Сино»да Абдулло, «Фарғаниддлар»да Давронбек, «Иккинчи баҳорда» Муродов, «Фидойи»да Шайх Аббос, «Улуғбек юлдузлари»да Хўжа Аҳрор «Ҳамза»да Ҳамза...

Аслида Олим Хўжаев ҳам хаваскорликдан профессионал театрга кириб келган актёрлардан. 1929 йилда Бухоро маориф институти қошида ташкил этилган драма тўгарагида қўйилган «Яна ўйланаман» асарида «Ўзбек Гаврошы» — Турғун образини ижро этганини кўрган Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов (театр ўша вақтда Бухорода гастролда бўлада) ёш Олимни театр труппасига таклиф этади ва, албатта, артист бўлишни орзу қилган Олим Хўжаев орзуси ушалганига қувонади.

Катта ижодий даргоҳга кириб келган Олим Хўжаев устозларидан тинмай ўрганишга киришади. Ўша вақтда санъатга эндигина кириб келаётган ёшларга Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Обид Жалилов, Лутфилла Назруллаев, Миршоҳид Мироқилов, М. Кузенцовалар сабоқ берарди. Бу актёримиз ҳам шундай табаррук санъаткорлар нафасидан баҳраманд бўлганлардан эди. Тиришқоқ Олим Хўжаев бу билан қаноатланиб қолмай, Москвада очилган турли курсларда илм олишга бел боғлади.

Партия ва ҳукуматимиз Олим Хўжаевнинг санъатдаги хизматларини юксак тақдирлади. У Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденларига, икки марта СССР Давлат мукофоти ва республика Ҳамза мукофотига сазовор бўлди. Устоз бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси қилиб сайланган, 20 йилча Ўзбекистон театр жамияти правлениесига раис, Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитети, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти комитети, халқаро театр институтининг аъзоси эди. Кейинги йилларда театр раҳбарлигини ўз қўлларига олган эдилар. Чунки театр коллективи янги авлод — ёшлар билан тўлдирилган эди. Ижодий ташкилотга саркор бўлиш — репертуар танлаш, драматурглар билан ишлаш, ёш авлодни тўғри йўлга бошлаш, томошабинни жалб этиш, истиқболни олдиндан кўра билиш, деган сўз. У раҳбарлик қилган қисқа муддатда янги-янги асарлар саҳналаштирилди, ёш режиссёрлар, ёш актёрлар ўсди.

У киши ҳаммамизга саҳна сўз талаффузини ўргатишга ҳисса қўшган устоз эди. Мен «Фурқат» спектаклида Фурқат образини яратар эканман, устозимнинг яқиндан ёрдам берганини эслайман. Устоз орзуларидан бири театрни Москва кўригидан муваффақиятли ўтказиш эди. Устоз орзу қилган Москва кўриги зўр муваффақият қозонди, ҳозир коллектив ҳамон юксалишда. Аммо у киши орамизда йўқ бўлса ҳам, унинг ёркин сиймоси доим биз билан.

**З. МУҲАММАДЖОНОВ,**
**СССР халқ артисти.**

# ПЛАНЕТАМИЗДА

### ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ

ПРАГА, 11 декабрь. (ТАСС). Келгуси йил март ойида Прагада ташкил қилинадиган «Интернамера-81» халқаро кўргазмасида қатнашиш учун жаҳонининг 18 мамлакатидан 120 дан кўпроқ фирма ва бирлашма талабнома юборишган. ЧССР илмий-техникавий ва иқтисодий ахборот маркази бу ерда ташкил қилган матбуот конференциясида шу ҳақда гапирилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар кўплаб экспонатлар юборадилар. Социалистик давлат мутахассислари биргаликда олиб борган ишлар натижасида кўплаб оптик приборлар, саноатда ишлатиладиган лазер техникаси намуналари яратилди.

Халқаро кўргазма доирасида «Интернамера» конгресси ўтказилади.

### ҚЕЛГУСИ АВЛОДЛАР УЧУН

**КУАЛА-ЛУМПУР, 11 декабрь. (ТАСС). Малайзия ҳукумати тарихий ва илмий аҳамият касб этадиган барча қадимий ёдгорликларни давлат муҳофазаси остига олишини маълум қилди.**

**Ҳозирги вақтда мамлакатнинг етакчи олимлари қадимий қабрларни, ибодатхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа тарихий объектларнинг рўйхатини тузмоқдалар. Энг диққатга сазовор қадимий ёдгорликларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида кенг кўламда таъмир ишларини ўтказиш мўлжалланмоқда.**

# АҚШнинг ИҒВОГАРЛИК ПОЗИЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 12 декабрь, (ТАСС). Ж. Картер маъмурияти шу кунларда Европадаги аҳволни жўрттага мушкуллаштириб, НАТОнинг қурол-яроғларини кўпайтириш планларини қабул қилдириш учун оммавий ахборот воситаларида васвасани авж олдирмоқда. Шу билан бирга Америка маъмурияти, бу ерда таъкидлаб ўтилганидек, ўзининг ИҒВОгарлик позициялари билан аслида Польшада ҳукуматга қарши ва антисоциалистик унсурларни рағбатлантиришга интилмоқда.

БРЮССЕЛЬ, 12 декабрь. (ТАСС). Икки кундан буён НАТО кенгашининг сессиясида ва НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар мудофаа министрларининг шу сессиядан олдин ўтказилган мажлисларида Польша тевирагидаги кескинликни кучайтиришдан иборат ИҒВОгарлик кампаниясига ўз иттифоқчиларини мумкин қадар кенгроқ жалб этишга уринаётган Қўшма Штатлар билан бу масалада сергаклик билан иш кўраётган шу иттифоқдаги мамлакатлар ўртасида орқаворотдан мураккаб кураш олиб борилди.

Бонна чиқадиган «Генералъ-анцайгерь» газетасининг ёзишича, «НАТОнинг Брюсселдаги штаб-квартирасида тушкунлик ва безовталик вазиятга ҳукм сурди. Бундай кайфиятлар, деб таъкидлайди газета, АҚШ мудофаа министри Браун ҳатти ҳаракатларининг бевосита оқибатидир. Браун «сессия арафасида НАТОдаги иттифоқчилар ўз хавфсизлиги тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар, деб уларни беҳаёлик билан қойиди». «Зюддойче цайтунг» газетасининг уқтириб ўтишича, Қўшма Штатлар Ғарбий Европага қаттиқ тазйиқ ўтказиб, ўз шериклари-нинг ҳарбий харажатларини кескин равишда кўпайтиришларини қаттиқ талаб қилмоқда.

Бонна ва Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг пойтахтларида қуролланиш учун бўладиган ҳаддан ташқари кўп харажатлар бу мамлакатларда катта муҳим молиявий-иқтисодий проблемаларни ҳал этишни анча қийинлаштиражагини яхши англайдилар. «Нойе рур — цайтунг» газетаси «НАТОда молия масаласидаги низо» замирида нима ётиб ётганлигини очиқ кўрсатиб, «европаликлар қуролланишдан кўра социал масалаларни ҳал этишни афзал кўрадилар», деб уқтириб ўтада. Ана шу тенденциялар Вашингтоннинг ошкора норозилик билдиришига сабаб бўлмоқда.

«Франкфуртер рундшау» газетаси ёзади: «АҚШ мудофаа министри Г. Браунинг НАТОдаги европалик иттифоқчиларга қилган қаттиқ қўй нўпписаси кўнгилсиз ҳодисадан ҳам баттарроқ таъсир қолдирди. Бу ҳол ҳамкамиятнинг аҳволини яқиқол кўрсатиб беради. Бу ҳамкамиятнинг айрим аъзолари шеричилик тўғрисида жуда хилма-хил тасаввурга эгадирлар».

Люксембург телевидениеси «Ғарбий Европа Вашингтоннинг ҳаддан ташқари кескин тазйиқидан роят ташвишга тушиб қолди», деб хабар берди.

Брюсселдаги нуфузли француз доираларида таъкидлаб ўтилганидек, американликлар Польшадаги аҳвол товарагида вазиятни жўрттага кескинлаштирмоқдалар. Бундан мақсад — «ўзининг Совет Иттифоқига нисбатан душман бўлган ва Ғарбий Европа билан Шарқий Европа ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни тўхатишга қаратилган сиёсатини амалга оширишга Ғарбий Европани шундай баҳона билан жалб этишдан иборат».

Ана шу доираларда уқтириб ўтилганидек, «Парижда ғарб СССР билан мунасабатларда Америка разведка хизматининг маълумотларига таянмаслиги керак, балки фактларга сезгирлик билан баҳо берилиши лозим деган фикрга амал қилинмоқда».

Бельгия ахборот агентлигининг хабар беришича, ГФР ташқи ишлар министри Г. Д. Геншер кенгаш сессиясида бундай деди: АҚШ шериклари билан маслаҳатлашмай ва уларнинг фикрлари ҳамда манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда СССРга нисбатан бир томонлама қарорлар қабул қиладиган бўлса, Ғарбий Европадаги иттифоқчилар буига роя бўлиш ниятида эмас. Министр НАТОга аъзо бўлган бир қанча мамлакатларнинг Москва Олимпиадасини бойкот қилишга уринганлигини мисол қилиб келтирди. Ана шу бойкот натижасида Ғарбий Европанинг манфаатлари зарар кўрди.

Италия ташқи ишлар министри Э. Коломбо Европада статус-квони сақлаб қолиш кераклигини айтди ва «Польшада жамиятнинг социал-сиёсий структурасини ўзгартиришга уринаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар»ни қўллаб-қувватлаш»га қарши огоҳлантирди.

Бельгия ташқи ишлар министри Ш. Ф. Нотомб НАТОни «тайёлиб турган ва мўлтадил» иш кўришга чақирди. У АҚШнинг ушма ичида зўравонлик қилишига қатъиян қарши чиқди ва блокка аъзо бўлган кичик мамлакатларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳурмат қилинсин, деб талаб этди. Министр СССР билан «конфронтацияни эмас, балки чиноқам ҳамкорлик муносабатлари»ни йўлга қўйиш кераклигини таъкидлади.

Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси Брюсселдаги сиёсий мунозарага тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: Пентагон ва НАТОдаги нуфузли доиралар Польшадаги воқеалар тевирагида Вашингтон томонидан кўтарилган шовқин-суронидан ва «советларнинг аралашуви» тўғрисидаги ғаламис ИҒВО ғаллардан Ғарбий Европа ҳукуматларининг Вашингтон билан суҳбат «тенглашувлари»ни талаб қилиш ва ғарбий харажатларни ҳар қандай йўл билан кўпайтиришга эришиш учун фойдаланмоқдалар. Ҳарбий харажатларнинг кўпайтирилиши меҳнаткашларни тоқат қилиб бўлмайдиган оғир машаққатларга дучор этди.

# ПЕКИНДА СУД

ПЕКИН, 12 декабрь. (ТАСС). Синьҳуа агентлиги қуйидагиларни хабар қилди: махсус суднинг иккинчи палатаси (трибунал) «контрреволюцион Линь Бяо группаси»даги юқори мартабали ҳарбийлардан беш киши — Хуан Юншэн, У Фасяня, Ли Цзоэн, Цю Хуэйцзо ва Цзян Тэнцзяога қўйилган айбларни кўриб чиқишни ниҳоясига етказди. Суднинг граждан шаҳсларга — Маонинг тул колган хотини ва бошқа кишиларга қўйилган айблар кўриб чиқилаётган биринчи палатасида суд — сўроқ давом эттирилмоқда.

Қасос олиш ва Хитой раҳбарлигининг юқори доираларида ҳокимият учун курашнинг ҳунук манзарасини яшириш учун мамлакатнинг ҳозирги раҳбарлари эслатиб ўтилган, шунингдек «Мао кўрсатмалари» рукач қилинган ҳар қандай маълумотлар суд тўғрисидаги ахборотдан чиқариб ташланмоқда. Лекин шундай бўлса ҳам, суд давомида Маони зарбадан сақлаб қолиш, унинг ҳокимиятепасида турган гумашталарини обрўсизлантириш йўлида уриниб кўрилмоқда. Масалан, Маонинг тул колган хотини сиёсий ишлар билан ХХРнинг собиқ раиси Лю Шаоцига қарши гиж-гижлатишни уюштириш учун жавобгар эканлигини инкор этди. Суд вақтида шу хусусда унга савол берилганида Цзян Цин «топшириққа биноан...» ҳаракат қилдим, деб жавоб берди. Аммо диктаторнинг баланд овози унинг сўнгги сўзларини эшитиш имкониги бермади, Ҳолбуки, Люга қарши репрессиядларнинг асосий ташкилотчиси Мао Цзэдун бўлгандиги ҳамма учун маълум.

«Контрреволюцион группа»нинг вафот этган қатнашчилари — Кан Шэн ва Се Фучжи билан бир қаторда ХКП Марказий Комитети раисининг собиқ ўринбосари Ван Дунсин Лю Шаоцига қарши сохта материалдар тайёрлаган «масъул ходим» бўлганлиги процесс вақтида биринчи марта эълон қилинди. Хитойнинг юқори доираларидаги кескин кураш натижасида бошқа уч раҳбар билан бирга у ҳам шу йилнинг февраль ойида ХКП Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси составидан чиқарилган эди. Судда Ваннинг «ўз-ўзини танқид қилган баёноти» ўқиб берилди. Лекин бу «баёнот» матбуотда эълон қилинмади.

Хитойнинг ҳозирги партия ва давлат арбобларидан нималарнинг, шу жумладан Хуа Гофэннинг гувоҳ тариқасида судга чақирилиши ёки чақирилмаслиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Улар яқин ўтмишда мамлакат раҳбарлиги ҳайъатига кирган судланувчилар фаолиятининг кўп жиҳатлари тўғрисида маълумот беришлари мумкин эди.

# ДЎСТЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визити нихоясига етди. Бу визит анъанавий Совет — Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигига янги мазмун бахш этди, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Ҳиндистоннинг пойтахти, бутун ҳинд халқи ва унинг раҳбарлари Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонни силиқдилдан самимий кутиб олиб, шу тарихга ўзларининг Совет — Ҳиндистон дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларини иккала мамлакатнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамлашга астойдил интилаётганликларини кўрсатдилар.

Совет — Ҳиндистон қўшма декларацияси ишлаб чиқилганлиги ва Л. И. Брежнев билан Индира Ганди томонидан имзоланганлиги — олий даражадаги Совет — Ҳиндистон музокараларининг энг муҳим якунларидан бири бўлди. Деҳлида ижтиموий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, савдо-сотиқ битими, фан, маданият ва маориф соҳасидаги ҳамкорлик программаси, бошқа ҳужжатлар ҳам имзоланди. Бу — кеча ўн йиллар давомида дўстлик ва ишонч муҳитида самарали ривожланиб келаётган Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар турли ижтимоий-иқтисодий системалардаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини амалга оширишнинг ёркин намунаси эканлигидан яққол далолат бериб турибди,

Л. И. Брежнев билан Индира Ганди визит чоғидаги нутқларида тинчлик ва халқаро хавфсизлик, халқларнинг миллий мустақиллиги ва озодлиги учун тинимсиз кураш олиб боришга аҳд қилганликларини неча марталаб таъкидладилар. Улар СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган ҳамда иккала мамлакатнинг халқлари ўртасидаги анъанавий яхши муносабатларнинг юқори погонага кўтарилганини акс эттирадиган шартномага юксак баҳо бердилар.

Л. И. Брежнев Деҳлидаги Ҳиндистон — Совет дўстлиги митингида сўзлаган нутқида бундай деди: «Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги имкони мустаҳкам пойдевор устига — тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосига қурилган. Мана яқин ўн йилдирки, бу шартнома халқларимизга яхши хизмат қилиб келмоқда, Бу шартнома бизга халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва одилона муносабатлар учун кураш ишида ҳам ҳамкорлик қилишимизга ёрдам бермоқда». Индира Ганди Л. И. Брежневнинг визити «Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлигимиз янги омили бўлади, тинчлик ишига ҳисса қўшади» деб уқтирди.

Ошкора, дўстона фикрлашувлар Совет — Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга, умуман халқаро вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берди. Ҳиндистон ҳукумат доираларига яқин турувчи «Нэшнл геральд» газетаси шу муносабат билан: «Совет — Ҳиндистон дўстлиги халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишига хизмат қилади» деб ёзди.

Л. И. Брежневнинг визити олий даражадаги Совет — Ҳиндистон алоқаларига томонлар нақадар катта аҳамият бераётганликларини яна бир боп кўрсатди. Бундай учрашувлар Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларнинг ривожини якунлаш, янги марраларни белгилаш имконини беради. Бундай учрашувлар ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишида иккала мамлакатнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини чуқурлаштиради. Визит тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро фалокатининг олдини олиш учун курашда иккала мамлакат ҳукуматларининг позициялари бир хил ёки бирбирига яқин эканини намойиш қилди.

**В. МАТЯШ.**
**(ТАСС).**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

# АХБОРОТ

### АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Тўрақўрғон район маиший хизмат ходимлари бу ерда яна учта цех очдилар. Улардан бирида кўлда тўқиладиган палосга буюртма қабул қилинади. Бошқасида эса пичоқлар тайерланади, 3-цехда эса мебеллар ремонт қилинади. Район маиший хизмат ходимлари шу йилнинг охиригача аҳолига плондан ташқари 84 минг сўм лик турли хизмат кўрсатиш мажбуриятини олдилар.

### ҒИШТ ЗАВОДЛАРИ

Ангор районидаги Қорасув қишлоғида янги завод қурила бошланди. Корхона йилига 20 миллион дона пишик ғишт ишлаб чиқаради. Завод маҳсулоти республика жанубидаги қишлоқ қурилишларига етказиб берилади. Ун биринчи беш йилликда Сурхондарё қишлоқларида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми икки баравар кўпайтирилади. Шу сабабли Сариосиё район марказида ҳам ғишт заводлари барпо этилади. Жарқўрғонда яна бир ғишт заводи қуриш мўлжалланмоқда.

### ЭКСПОРТ БУЮРТМАЛАРИ

Қўқондаги «Большевик» заводи юксак босимли арматуранинг юзта комплексини Сурияга жўнатди. Сурия нефтчиларининг илтимосига биноан уларнинг буюртмаси Афганистондан олинган буюртма каби муддатидан илгари бажарилди. Навбатда Болгария ва Югославияга нефть-газ технология асбоб-ускуналарини ортиб жўнатиш ишлари бор. Бу йил «Большевик» заводи 15 та мамлакатга ўз маҳсулотини экспорт қилади.

### «ШОДЛИК» САФАРДА

М. Қориёқубов номли Ўзбекистон давлат филармонияси республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Шодлик» ашула ва раҳс энсамблининг қирққа яқин санъаткори Самарқанд области бўйлаб ижодий сафарга чиқиб кетди. Ансамбль областнинг колхоз ва совхозларида, чорва яйловларида бўлиб, область меҳнаткашларига партия, Ватан, пахтакорлар ҳақида тайёрланган янги программада концерт беради.

### ОЛХЎРИНИНГ ЯНГИ НАБИ

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Наманган таянч пунктида яратилган олхўрининг янги нави «Наманган» номини олди.

Бу нав тошлоқ ҳамда бироз шўрхок ерларда яхши ҳосил беради. Унинг меваларн яхши сақланиб, ташиш учун қулайдир.

# ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

### БРИГАДИРНИНГ ҲИССАСИ

Ҳарбий қурувчилар бригадасининг бошлиғи Равшан Ўмрзоқов андижонлик. У армияга чақирилгунга қадар Хўжаобод қишлоқ ҳунар-техника билим юртини тугаллаган. Кичик сержант Равшан Ўмрзоқов бригадаси аъзолари партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, кунлик иш нормасини 118—120 процент ало этмоқдалар.

Съезд шарафига давом этаётган зарбдор ҳафталиклардан бирида ана шу бригада ғолиб деб топилди. Зарбдор ҳафта кунларида бригада аъзолари 20 килограммдан кўпроқ бўёқ, 45 метрдан кўпроқ гулқоғоз тежаб қолдилар. Бунда Зокир Холбўтаев, Николай Крапачёв каби пешқадам қурувчилар билан бирга бригадирнинг ҳам ҳиссаси катта. Коммунистик меҳнат зарбдори, кичик сержант Ўмрзоқов бошлиқ коллектив съездга муносиб совға тайёрламоқда.

**М. АҲМЕДОВ,**
**ефрейтор.**

### СОЛДАТ ҚУВОНЧИ

Қисмимизда ҳар шанба куни жанговар тайёргарлик юзасидан ўқув соати бўлиб туради. Бу соат жангчиларнинг жанговар тайёргарлигидаги нўтқларини ва камчиликларини аниқлашга ёрдам беради. Яқинда ўқув хонасида бўлинмамизда хизмат қилаётган турли миллат вакиллари тўпланишди. Офицерлар навбатма-навбат савол бериб, солдатларнинг тайёргарлигини текшириб кўрардилар. Навбат ўзбекистонлик оддий солдат Бекмирза Мўминовга келди. У ҳамма саволларга аниқ ва мазмунли жавоб қайтарди.

Жанговар ва сиёсий тайёргарликда Нормўмин Қурбонов, Норбой Бўриев, Шодиёр Ерқуловлар ҳам бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

**Б. МУРОДОВ,**
**оддий солдат.**

### МУТАХАССИСЛАР БУЛИНМАСИ

Биз, ўзбекистонлик бир группа йигитлар Қизил Байроқ орденли Тинч океани флотига қарашли жанговар кемада Ватан олдидаги йигитлик бурчимизни ўтамоқдамиз. Яқинда бизнинг кемамиз океанда ўқув-жанговар вазифаларни аъло даражада бажариб қайтди.

Кемада КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кизғин тус олди. Бу мусобакада иккинчи даражали старшина Мухторжон Раҳимқулов командирлик қилаётган бўлинма пешқадамлик қилялти. Унинг бўлинмасидаги ҳамма матрослар юқори классли мутахассислар бўлиб етишганлар. Мухторжон кема жамоат ҳаётида ҳам актив иштирок этади. Яқинда коммунистлар уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилдилар.

**Ш. ҲАЙДАРОВ,**
**катта матрос.**

### ОТАСИГА РАҲМАТ

Мен Улуғ Ватан урушида «Ил-2» самолётида ўқчи бўлиб хизмат қилганман. Биз яшаётган жойда ҳарбий қурувчилар меҳнат қилишади. Ўзбекистондан келган ҳарбчи қурувчилар М. Тўйчиев, М. Мирбақоев, И. Раимов мен учун қадрдон фарзандек бўлиб қолишди. Улар бўш вақтларида менга турли юмушларда ёрдам беришади. Шунинг учун ҳам қурилиш батальони собик жангчиларининг ота-оналарига яхши фарзанд ўстирганликлари учун самимий миннатдорчилик изҳор этаман.

**М. ОЖОГОВА.**

* * *

Шунингдек, редакцияга ҳарбий бўлинмаларда хизмат қилаётган ўзбекистонлик жангчилардан **М. Мамажонов, Ж. Худойбердиев, С. Охунов, И. Қаландаров** ўртоқлар ҳам хат-хабарлар ёзиб юборганлар.

# СТУДЕНТГА СПОРТ ҲАМ КЕРАК

### ЕКИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ФИЗКУЛЬТУРА-СПОРТ ИШЛАРИНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Кишиларнинг жисмоний жиҳатдан чиниқишларида ва саломатликни яхшилашларгина эмас, балки уларнинг кайфиятини кўтариш, руҳан етик ва бардам бўлишларига эришишда ҳам физкультура ва спорт беқиёс аҳамиятга моликки, буни ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Бу ҳол янги кишини — коммунизм бунёдкорларининг янги авлодини камол топтириш билан шуғулланувчи барча бўғинлар, хусусан олий ўқув юртларида жисмоний тарбияга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор берилишини тақозо қилади. КПСС XXV съезди қарорларида, жонажон партия ва хукуматимизнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида», «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишни тўғрисида»ги қарорларида мутахассислар тайёрлашнинг муҳим воситаларидан бири сифатида физкультура ва спорт ишларини тагин ҳам жонлантириш заруллиги таъкидланганлиги ҳам шундан. Биз айни шу соҳада Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтида иш қандай ташкил этилгани билан қизиқдик.

Республикамизнинг бу улкан билим даргоҳининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларида жами 34 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Халқ хўжалигига 78 ихтисос бўйича мутахассис етказилиб берилмоқда. Бўлажак инженерларнинг жисмоний жиҳатдан тарбияси, улар ўртасида физкультура ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш иккита жисмоний тарбия ва битта спорт кафедраси ҳамда спорт клуби зиммасига юклатилган. Ўқув машғулотлари 80 та якин малакали мутахассис раҳбарлигида олиб борилмоқда. Спорт кафедрасига Руфат Рисқиев, жисмоний тарбия кафедраларига Роман Прозаренко ва Улуғбек Қориёқубов каби машҳур спортчи ва тренерлар бошчилик қилмоқда.

Шу кеча-кундузда институтда спортнинг 20 дан ортиқ тури билан шуғулланишмоқда. Ҳар йили институт бўйича спартакиада ва факультетлараро мусобақалар ўтказиб турилади. Разрядли спортчилар тайёрлаш, жисмоний тарбияни студентларнинг кундалик турмушига сингдиришда муайян ютуқларга эришилмоқда. Чунончи, 1978 йили институтнинг чим хоккей бўйича «Политехник» командаси «А» классининг биринчи лигаси коллективлари ўртасидаги мусобақаларда бронза медалига сазовор бўлди. Регбичилар командаси эса Ўзбекистон биринчилиги мусобакаларининг бир неча бор ғолибидир. Мамлакатимиздаги политехника институтларининг бу йилги мусобакаларида институт баскетболчи қизлари биринчи, эркаклар эса иккинчи ўринни олдилар.

— Ҳамонки, асосий вазифамиз ҳар тарафлама баркамол мутахассислар тарбиялаш экан, бунга физкультура ва спортнинг оммавийлигини таъминламасдан эришиб бўлмаслигини яхши биламиз. — дейди институтнинг биринчи проректори, профессор И. Мирҳўжаев.— Жисмоний тарбия дарслари, факультатив машғулотлар катъий ўқув плани асосида олиб борилмоқда. Студент ёшларни мунтазам физкультура машғулотларига кенг жалб этиш, малакали спортчилар тайёрлаш институт партия комитети ва ректорининг доимо диққат марказида турибди. Кейинги уч йил мобайнида бу масала уч марта партком йиғилишида, икки марта институт илмий кенгашида муҳокама этилганини айтиш кифоя.

Чиндан ҳам институтда физкультура ва спортнинг оммавийлигига эришиш борасидаги ишлар бир мунча дуруст. Спорт секцияси ва группалари машғулотларига 8600 дан ортиқ физкультурачи жалб этилган, оммавий разрядли спортчилар ҳамда ГТО нишондорлари тайёрлаш ишлари ҳам чакки эмас. Лекин бу ерда оммавийлик ва маҳорат бир-бири билан эгизак эканлиги унутиб қўйилмоқда. Чунончи, 1973 йили, яъни учала кафедра ташкил этилган йили институтда 5 нафар спорт мастери тайёрланган бўлса, бу йил ўн нафар спорт мастери тарбиялаш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинганига қарамай, мастерлик нормативини бажарганлар сони уч кишидан ошгани йўқ. Мастерликка номзод ва биринчи разрядли спортчилар тайёрлашда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Ҳозиргача пландаги 147 кишидан атиги 41 киши биринчи разряд, 21 кишидан 5 нафари мастерликка номзод нормативини бажарди. Кафедра ва спорт клуби раҳбарларининг бепарволиги оқибатида баъзи спорт турлари «ортиқча» бўлиб қолмоқда. Чунончи, чим хоккей командаси Тошкент армия спорт клуби ихтиёрига ўтказилгач, институтда спортнинг бу тури билан мутлақо шуғулланмай қўйишди.

Шуниси ачинарлики, студентларнинг устозлари ҳам мунтазам физкультура ва спорт машқларига яхши жалб этилмаган. Институтдаги салкам 3 минг профессор-ўқитувчи ва ходимлардан 1977 йилда 23 киши, бу йил 87 киши ГТО нормативини бажарган. холос.

— Политехника институти, — дейди «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон Совети раисининг ўринбосари А. Ривкин, — маҳоратли спортчилар тарбиялаш бобида Тошкент ва Самарқанд университетларига, хатто Сирдарё педагогика институтига ҳам тенгламаса олмаяпти. Студентларга таълим бериш сифатини ошириш чоралар билан ошириш, аввало ўқув, илмий ва тарбия жараёни мазмуни билан бирлигини таъминлайдиган кафедралар ролини кучайтириши тақозо этади. Назаримизда, спорт ва жисмоний тарбия кафедралари ҳукуқи ва нуфузини ҳамма жиҳатдан илмий-педагогик йўналишдаги бошқа кафедралар билан тенглаштириш, уларнинг мутахассислар тайёрлашдаги иштироки, кўшилган хиссасини кадрлаш ва тўғри баҳолаш талаб этилади...

Асосан малакали спортчилар билан ўқув машқлари олиб боришга ихтисослашган спорт кафедраси фаолиятини сира қониқарли деб бўлмайди. Наҳотки, бу кафедрадаги 16 нафар малакали мутахассис ақалли биттадан спорт мастери тайёрлашга қодир бўлмаса?! Улар қўлига топширилган 920 лаёқатли студент меҳр ва қунт билан тарбияланса, спорт мастерлари у ёқда турсин, республика ва ҳатто мамлакат чемпиони ҳамда рекордчилари етишиб чиқиши мумкин. Бунинг учун ўқув-машқ ишларини тўғри ташкил этиб, спорт клуби билан ҳамкорликда иш олиб бориш, малакали спортчилар тайёрлашга мутасадди бўлганларга нисбатан талабчанликни ошириш лозим.

Спорт базамиз йўқ, деган гапни клуб правлениесининг кафедралар ходимлари иштирокидаги йиғилишида ҳам кўп эшитдик. Мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам, кўл қовуштириб ўтириш билан иш битмайди-ку?! Ҳар бир ишда ташаббус керак. Институт ўқитувчилари орасида бу борада ибрат олса арзийдиганлари бор. Жумладан, доцент Р. Прозаренконинг Студентлар шаҳарчасидаги эски қозонхона биносини таъмирлаб, спорт залига айлантиришдаги жонбозлиги ва бошқа ишлари таҳсинга лойиқ.

— Спорт соҳасидаги ишларимиз бошқача бўлиши мумкин эди, — дейди институт спорт клуби правлениеси раиси В. Сидоров. — Тельман номли маданият ва истироҳат боғида яхши стадионимиз бор эди — олиб қўйишди. Энди базамиз йўқ ҳисоб. Тузукроқ база беришсин-да, биздан ҳоҳлаганча малакали спортчи талаб қилишаверсин.

Ҳамсуҳбатимиз «йўқ ҳисоб» деганида нимани назарда тутди, билмадик. Лекин тайёролов бўлимидаги оғир атлетика залини, Студентлар шаҳарчасидаги кўнгилочар кеча ишга туширишга, спорт залини, ТошДУ спорт павильони атрофидаги волейбол, баскетбол ва қўл тўпи майдончаларини кўрган чиқиш раиснинг сўзларидан таажжубланиши тўғри гал. Тўғри, Студентлар шаҳарчаси кейинги йилларда жуда кенгайиб, беқиёс ўзгариб кетди-ю, аммо спорт иншоотлари аввалгидек қолаверди. Бу ерда политехника институтидан ташқари университет, автомобиль ва йўллар, физкультура институтлари, техникумлар, ётоқхоналар жойлашган. Мавжуд спорт иншоотларини марказлаштириш, шунингдек, шериклик асосида янги иншоотлар қуриш ҳақида гап бор-у, ишдан дарак йўқ. Бунинг учун ўз касбига меҳр қўйган ташаббускорларга кенг имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш зарур. Ана шунда хайрли ишларга дадил киришиб, жамоатчиликка таянган фойдадан - ҳали бўлмайди. Студентлар эса ўйлаймизки, караб туришмайди.

Нега ҳам қараб туришсин?! Ахир бўлғуси мутахассисга спорт жуда ҳам керак! Зеро, студентлик йиллари ҳар бир йигит-қиз учун спорт, бардамлик ва саломатлик йиллари бўлиб қолади. Улар ўқишни тугатиб, яхши мутахассис, айни чоғда жисмоний тарбиянинг актив тарғиботчиси ва етук спортчи сифатида ишлаб чиқаришга борадилар. Баъзан студентга ўқишнинг ўзи етарли, уни физкультура-спортга жалб этиб, бардамлик керак, дейдиганлар ҳам учрайди. Ҳолбуки, машҳур физиолог П. Лесгафт айтганидек, инсоннинг ақлий ва жисмоний камолоти ўртасида жуда мустаҳкам алоқа бор, ақлий камолотга эришган сари жисмоний жиҳатдан шунга яраша ривожланиш талаб этилади. Буни ҳеч ким, айниқса студентлар унутмаслиги лозим. Уларнинг спорт зали, ўйин майдончалари ва сузиш ҳавзаларида ўтказадиган вақти ўзини тамомлаб қолгандиг: тетиклик, ишчанликни тиклайди, организмни бардам, баркамол қилади.

Биз Тошкент политехника институтида физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш борасида муҳим ташкилий ва тадбирий ишларни амалга ошириш лозим деб биламиз. Мухлислар бир вақтлар политехника институтининг талабаси бўлган мамлакат чемпиони, енгил атлетика бўйича жаҳон рекордчиси О. Ряховский, машҳур альпинист В. Элчибеков, гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионлари А. Марков, В. Хримпач, Г. Большаков, ажойиб самбочи С. Алимов каби машҳур спортчилар номини ҳамон ҳурмат билан тилга оладилар. Вахолонки, ана шундай номдор спортчилар камол топган кезларда ҳам институтда ҳозиргидек шароит бўлмаган бўлса керак. Институтнинг спорт шуҳратини қайта тиклаш учун имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур. Қолаверса иқлим шароитимиз йил бўйи очиқ ҳавода шуғулланиш имконини беради. Наҳотки, махсус жой, инвентарь, ортиқча харажат талаб этмайдиган спорт турларини оммалаштириш мумкин бўлмаса?! Етоқхоналарда институтнинг беш мингдан ортиқ йигит-қизи бор. Локал шулар ўртасида шахмат-шашка, стол тенниси, енгил атлетика ва бадминтон машғулотлари ташкил этилса-чи!

Физкультура ва спорт ишлари ҳамма ерда бўлгани каби олий ўқув юртларида ҳам бир мақсадга — ёш авлод сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, малакали спортчилар тайёрлашга хизмат қилади. Келгусида халк хўжалигининг турли тармоқларида ишлайдиган мутахассисларнинг соғлом ва ҳар тарафлама баркамоллиги учун эса, энг аввало олий ўқув юртлари мутасаддиларининг масъул бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**Ҳ. НОСИРОВ,**
**Р. ҚОСИМОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**




**ЯНГИ ҚУВВАТЛАР**

Волгоград областидаги труба заводида чоксиз трубалар ишлаб чиқарувчи цехнинг янги участкаси ишга туширилди. Шу кунларда маҳсулотнинг дастлабки партияси буюртмачиларга жўнатилмоқда.

Қурилишга Иттифоқимиздаги турли корхоналар зарур ускуналарни етказиб бермоқда. Уларнинг энг кўп қисми «Электростель» оғир машинасозлик заводида тайёрланаётир. Монтаж ва созлаш ишларига Урал янги труба заводининг ишчилари кўмаклашмоқдалар.

Суратда: янги цехдаги чоксиз труба ишлаб чиқарувчи участка.

Э. Котляков фотоси.

**ҚУРПСОЙ ГЭСИ ҚУРУВЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ВАХТАСИ**

Қирғизистон ССР Норин дарёсида тикланаётган Қурпсой ГЭСи қурилиши юксак суръатлар билан бормоқда. «СССР-ни иқтисоий ва соцкал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да таъкидлаб ўтилган бу электростанция мамлакатда энг арзон электр энергия ишлаб чиқарадиган бўлади.

Қурпсой ГЭСи бинокорлари унинг биринчи навбатини муддатидан илгари — 1981 йилнинг 21 февралида фойдаланишга топширишга қарор қилганлар. Қурувчилар зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар.

М. Аширбоев ва В. Сварцевич фотоси.

**ДОВРУҚЛИ КОРХОНА**

Боку шаҳридаги маиший кондиционерлар заводининг доврўғ бутун мамлакатга кетган. 4,5 минг киши меҳнат қилаётган бу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатимизнинг ҳамма чекаларида учратиш мумкин.

Суратда: корхонанинг умумий кўриниши.

А. Таваккалов ва О. Лютвин фотоси (ТАСС).

# ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ЗИЛЗИЛА

11 декабрь кечкурун Тошкентда бўлган зилзиладан сўнг ТАСС мухбири Е. Таубенщлег дарҳол шаҳар хизматлари билан алоқа боғлади.

Берилган жавоблар бир хил бўлди:

— Ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса рўй бергани йўқ. Ҳамма ерда тартиб, осойишталик.

Бирон уйда ҳам чироқ ўчиб қолгани йўқ, сув, иссиқ сув ва газ бериш тўхтамади. Шу пайтда (маҳаллий вақт билан соат 20 дан 35 минут ўтганда, метро станцияларидаги одамлар эшитилаётган гувуллаш пассажирларга поезд келаётганидек бўлиб туюлди. Поездлар эса аниқ графикда етиб келди.

Олти балли силкиниш ҳеч нимадек гап эмас, албатта. Хонадонларда идиш-асбоблар шарақлаб, стуллар ўрнидан силжиса, баъзи жойларнинг суворги кўчсаю, ташвишланмай бўладими, ахир. Лекин биронта ҳам эсанкираш ёки вахимага тушиш ҳоли учрамади. Тошкент телефон станцияларига зўр келди: ҳамма қавм-қариндошлари ва ёр-дўстларидан ҳолаҳвол сўрарди.

Берилган жавоблар бу шаҳарнинг қисматига қайғурадиганларни ва айниқса 1966 йилги кучли зилзиладан сўнг шаҳарни тиклашда ёрдам берганларни қувонтиради. Қурилганларнинг ҳамма уйлар бардош берди! Шундай экан, бугун Тошкентнинг ҳамма содиқ дўстларига ташаккур айтинг келади, киши.

12 декабрь тонг отарда «Тошкент» сейсмик станцияси турли ўлчаш маълумотларини қиёслаб ва аниқлаб олти балли бу ер қимирлашнинг мufассал манзарасини тасвирлаб берди. Тянь-Шань ғарбий этаклари зонасида рўй берган тоғ ҳосил бўлиш жараёнлари шу зилзилани вужудга келтирган.

— Шу силкинишни кутганмидингиз?

— Кутгандик, албатта — деб жавоб қайтарди станция мудири В. И. Уломов. — Бу ерда мунтазам равишда энергия йиғилиши ва бўшаши рўй бериб туради. Энергия бўшаши одатда бирмунча заиф 2-3 балли силкинишлар билан бўлади. Кеча эса 1966 йилги ўша зилзилани вужудга келтирган Каржантов узилиши бўйлаб қатламларнинг силжиши рўй берди. Шуниси эътиборга сазоворки, силкиниш Тошкент учун белгиланган қурилиш нормалари асосида ётувчи узоқ муддатли илмий прогнозларда айтилган миқёсдан ошгани йўқ. Маълумки, бу ерда 8-9 балли ер қимирлашга бардош бера оладиган бино ва иншоотлар қурилмоқда.

Аниқланган маълумотларга кўра, зилзиланинг эпицентри Тошкентдан 20 километр ғарбда. Бу ерда 7 балли силкиниш бўлди. Кўшни Назарбек поселкасидаги бир неча уйларнинг печь мўрилари қулаб тушди, деворлар ёрилди. Ремонт-қурилиш бригадалари бу ишни бир ҳафтада битириб кўяди. Поселка совети, бошқа ташкилотлар шу уйларда яшовчиларга ёрдам бериш борасидаги тадбирларни ишлаб чиқдилар. Болалар мактабга кетишди, магазинлар нормал ишлаб турибди.

Ер бағрида — 20 километр чуқурликда жуда катта энергия бўшади. Одатда кучли силкинишдан кейин бир қанча заиф силкинишлар бўлади. Шуларнинг баъзиларини сезса бўлади, қолганларини эса прибор ларгина қайд эта олади. Шундай қилиб, ўнлаб шу хилдаги силкинишлар қайд этилди.

(ТАСС).

Тошкент.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

# РЕКЛАММА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

### 14 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00 — Время. 9.55 — Будильник. 10.25 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.25 — Здоровье. 12.10 — Тонгги почта. 12.40 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 12.55 — Қишлоқ янгиликлари. 13.55 — «Московские новости» газетаси соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 14.35 — Музикали киоск. 15.05 — Таваккалчилик стратегияси. Бадиий фильм. 1-серия. 16.10 — Ҳужжатли фильм. 16.45 — Халқаро конкурслар лауреати А. Корсаков ижро этади. 17.00 — Цирк артистининг бир куни. 18.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 19.05—Мультфильм. 19.20—Халқаро панорама. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Время. 21.45 — «Московские новости» газетаси соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 24.00 —Янгиликлар.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Болалар учун фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Кинореда кция почтасидан. 13.40 — Шахмат мактаби. 14.10 — Театр учрашувлари. 15.35 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 16.10 — Реклама. 18.00 — Фонарик. 18.30 — Миниатюралар театри. 19.15 — Ахборот. 19.30 —Концерт. 20.15 — Ахборот. 20.30 — Концерт. 21.15 — Время. 21.45 — Ез ёмгири. Бадиий фильм. 23.00 — Телефильм.

**КИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

### 15 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

**МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ**

9.00—Время. 9.40 —Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.50 — Ҳайвонот оламида. 11.50 — Сюита. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 —Онамларнинг мактаби. 16.25 —Звёздочёт. 17.10 — Гитарачи А. Фраучи ижро этади. 17.30 — Объектив. 18.00 — Концерт. 18.35 — Биз БАМни қурямиз. 19.05 — Мультфильмлар. 19.35 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 20.05 — Оддий одам. Спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — А. В. Нежданова уйида. 23.25 — Дунё воқеалари.

**ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ**

I

10.20 — Табиатда сув. 10.40 —Денгиз шамоли. Фильм. 11.30 — Табиатшуносликдан ўқув кўрсатуви. 11.50 — Ез ёмгири. Бадиий фильм. 18.00 — Кувноқлар даврасида. 18.30 —Ешлик. 19.00 —Визнинг интервью. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Нон. Фильм. 20.00 — Салом, Зулфия. 20.30 — Ахборот. 20.50— Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Алангали йўллар. Бадиий фильм. 1-серия. 23.15 —Оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Қизиқарли математика. 20.55— Реклама. 21.15— Синов йилларида. Фильм. 21.55 — Ҳайвонот оламида.

## РАДИО

### 14 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Классик қўшиқлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Совет авторларининг қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00— Сулолалар шарафи. 13.30 — «Ариэль» ва «Советская песня» ансамблари ижро этади. 14.00 — Меҳнат зафарларимиз КПСС XXVI съездига. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18-15—Спорт программаси. 19.25 — Қўйлардан қўшиқларга. 20.15 — Чолғу куйлари. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Лирика кечаси. 23.15 — Дам олиш концерти.

### 15 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Съездан-съездгача. 9.35 — Шу кунинг қўшиқлари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — «Ўзбекистана индустриальный». 13.00 — Қишлоқни соз ўтказамиз. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 18.15 — КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.35 — Ешлик. 19.25 — Ной наволари. 21.00 — Фан уфқлари. 21.10 — Ҳикоя ҳақида ҳикоя. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 23.30 — Тинглаб, дам оламиз.


«Средазтепломонтаж» ихтисослашган трести
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА
ҚЎШИМЧА

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Юқори малакали кислоталар солинган идишларни қопқоқлаб жойловчилик касбига Совет Қуролли Кучлари сафидан запаса бўшатилган ҳарбийларни қисқа муддатли ўқишга, оширилган 76 сўм ҳажмида стипендия билан қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Етоқхонадан жой берилади.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўтаганда топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқувчилар ўқишни тамомлаганларидан сўнг Тошкентдаги «Монтажхимзашчита» бошқармасига ишга юборилади-лар.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига имтиёзли қиладилар. СССР қонунларида белгиланган имтиёзлар улар учун ҳам тааллуқлидир.

Қирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, автобиография, маълумоти тўғрисида ҳужжат; турар жойидан, медицина справкалари; 4 та фотосурат (3х 4 см.), характеристика, паспорт ва ҳарбий билет шахсан тақдим этилади.

Билим юртига трест кадрлар бўлимидан йўлланма берилади.

Машғулотлар — группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпильков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайлар; 3, 9, 11-троллейбусларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефонлар: 56-45-46, 56-40-43.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида

26 декабрь — 11 январь кунлари соат 10.00, 13.00 ва 16.00 да

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ПЕРСОНАЖЛАРИ ИШТИРОКИДА

**«ЦИРКДА АРЧА»**

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги

«ИЛЛЮЗИЯЛИ КАЛЕЙДОСКОП» АТТРАКЦИОНИ

Паузаларда масҳарабозлар группаси: Анатолий ЛЯДНЕВ, Петр РАСВА, Владимир ЧУХНАКОВ, Виктор ВИЛИМОВИЧларнинг чиқишлари.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Билетлар тарқатилмоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича маълумотлар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг ВЛКСМ 50 йиллиги номли БУХОРО РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

токарлар ва уларга шогирдлар, қурувчилар, гайвандчилар, слесарлар, электриклар, бошлиқ ва катта инженер, инженер-конструкторлар

**КЕРАК**

Меҳнат ҳақи — ишбай. Кичик онгаликлар ва ёлгиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар. 2—3 йил давомида квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: 705013, Бухоро шаҳри 2-уй, Телефон 3-45-39.

Г. С. Зайцев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти маъмурияти, партия ташкилоти ва маҳаллий комитети институтнинг катта илмий ходими, биология фан. лари кандидати

Анвар Аҳмедович АБРОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиш— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-53-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-85-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-25; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20